*Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очиқ, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ.**




Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
3-dekabr
payshanba

№ 44 (4482)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz/@postdarasmiy





# ОСОЙИШТА ЮРТДА ЯШАШ – САОДАТ ЭРУР

## Ўзбекистон хавфсизлик даражаси бўйича етакчи мамлакатлар қаторида



**«Глобал қонун ва тартиб» бўйича бутунжаҳон рейтинги натижасига кўра, Ўзбекистон дунёда хавфсизлик даражаси бўйича етакчи ўн мамлакатдан бири сифатида эътироф этилди. Ушбу нуфузли халқаро рейтингни тузишда дунёнинг турли мамлакатлари аҳолисининг полицияга ишончи, кечки вақтларда кўчаларда хавфсиз юриши ва бошқа кўрсаткичлар асосий омил сифатида олинди.**

Албатта, бундай натижага эришишда бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари қаторида, фидойиларча хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Мамлакатимиз ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, осойишталикни таъминлаш, халқимизни рози қилиш йўлида ППХ ва ЙПХ бригадалари, кинология, жиноят қидирув, эксперт-криминалистика хизматлари ҳамда бошқа соҳавий хизматлар ходимлари туну кун ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб келмоқдалар.

Осойишталик посбонларининг бош мақсади – Ватанимиз тинчлиги ва халқимизнинг фаровон яшашини таъминлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, халқ манфаатларига хизмат қилишдир.




8 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

# МЕН УЧУН ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ



Инсон ҳамиша ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган жамиятда яшашга интилган. Айни мақсадда мамлакатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ва уларнинг асосини ташкил этувчи конституциялар яратилган.

Асосий қонунимизда ички ишлар органлари фаолиятига бевосита ва билвосита алоқадор моддалар мавжуд. Чунончи, Конституциямизнинг VII бобида қайд этилган фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга қаратилган барча талаб ва меъёрларнинг ижросини таъминлашда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қаторида соҳа вакиллари ҳам масъул ҳисобланади. Умуман олганда, ички ишлар органлари ходимлари ҳар куни, ҳар дақиқада Бош қомусимизнинг қайсидир моддаси ижросини таъминлайди. Шу тариқа, жамоат тартиби ва тинчлик-осойишталикни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимининг узлуксиз ва самарали ишлашига эришилади.

Худди шундай, ички ишлар органлари тизимига алоқадор барча қонун ҳужжатлари Конституциямиз асосида яратилиб, такомиллаштирилмоқда.

Ҳуқуқий базанинг такомиллашуви соҳа вакилларининг вазифаларини аниқ белгилаш, хизмат интизомининг мустаҳкамланиши, фаолиятда қонунийликнинг устуворлигини таъминлаш учун хизмат қилаётир. Қувонарлиси, бундай ислоҳотлар барча жабҳаларда амалга оширилмоқда. Шу маънода, Конституция қабул қилинган кунни ҳар қанча нишонласак, тантана қилсак арзийди.

Мен Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунда таваллуд топганман ва бундан чексиз фахр туяман. Қўлимга қалам тутганим, дилимдагиларни тўкиб солганим ана шу фахр натижасидир.

**Сирожидин ИСМОИЛОВ,**
**Жиззах вилояти Зомин тумани ИИОФМБ 3-сонли ИИБ навбатчилик қисми инспектор-навбатчиси, сержант.**
**Алижон АБДУСАТТОРОВ олган сурат.**

ФАРМОН ВА ИЖРО

# ПРОПИСКА ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ: ТАРИХИЙ ҚАДАМ

**Жорий йилда прописка тизимини ислоҳ қилиш борасида муҳим қадам қўйилди. Президентимиз томонидан шу йил 22 апрелда «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармоннинг қабул қилиниши бунинг яққол тасдиғидир.**




Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 22 май куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 28 декабрдаги 1049-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, жорий йилнинг 1 сентябрь кунидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишда қуйидаги тартиблар амалиётга татбиқ этилди:

► фуқароларни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганида, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги) асосида амалга оширилади;

► Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича **рўйхатдан ўтмасдан истиқомат қилиш муддати 15 кун ҳисобланади;**

► доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича **рўйхатга олиш бир кун ичида расмийлаштирилади;**

► Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда аввалги доимий яшаш жойидан **рўйхатдан чиқиш тартиби бекор қилинди;**

► Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинишини расмийлаштиришда паспорт, уй дафтари ёки хонадон карточкасига **рўйхатга олиш штампини босиш амалиёти бекор қилинди;**

► ҳарбий хизматга мажбурларни доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда мудофаа ишлари бўлимларига **ҳарбий ҳисобдан чиқиш ва ҳарбий ҳисобга туриш учун бориш тартиби бекор қилинди;**

► Ўзбекистон Республикаси фуқароси солиқ органларида ҳисобга олинган ижара шартномаси ҳақида маълумот тақдим этганда, уни вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишда **уй-жой эгасининг розилиги талаб этилмаслик тартиби жорий қилинди.**

Бундан ташқари, Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда лавозимларга сайлаш, тайинлаш, тасдиқлаш тўғрисидаги, Давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланганлик тўғрисидаги, Давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти раҳбарининг юқорида тегишли Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда ишга таклиф этилаётган фуқарони (юқори малакали мутахассис ёки тор ихтисосликдаги мутахассис) доимий рўйхатга олиш тўғрисидаги **электрон илтимосномаси электрон ҳамкорлик тизими орқали Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими томонидан олинади.**

Шу билан бирга, қуйидаги маълумотлар идоралараро маълумот алмашинуви тизими орқали олинади (агар улар тизимда мавжуд бўлса):

► туғилганлик, никоҳ тузилганлиги ёки ажрашганлиги, ўлим тўғрисидаги гувоҳномалар – «ФҲДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимидан;

► уй-жой ва фуқаро ҳақидаги маълумотлар – кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри базасидан;

► васийлик ва ҳомийликни ҳамда патронатни тасдиқловчи маълумотлар – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг электрон базасидан.

Айни пайтда республика миқёсида мамлакатимиз фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг янги таҳрирдаги намунаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идораларга келишиш учун тақдим этилган.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
**ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник.**

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# ЎЗ ҲАЛОВАТИДАН КЕЧИБ



«Шуҳрат» медали соҳиби, подполковник Лазизбек МАМАТНАЗАРОВ.



**Тинч ва осуда юртда ҳаёт кечириш нақадар буюк бахт. Халқимизнинг хотиржам яратувчилик меҳнат фаолияти билан бандлигида ўз ҳузур-ҳаловатидан кечиб, хизмат бурчини садоқат билан бажараётган фидойи осойишталик посбонларининг алоҳида ўрни бор.**

Фидойилик, мардлик, жасорат эса ҳеч қачон зое кетмайди, эътиборсиз қолмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига асосан Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимлар орден ва медаллар билан мукофотлангани ҳам уларга кўрсатилган эътиборнинг, эҳтиромнинг ёрқин намунаси бўлди. Улар орасида подполковник Лазизбек Маматназаров ҳам бор.

Қаҳрамонимиз 1985 йил 16 апрель куни Кармана туманида туғилган. 2007 йилда ИИВ Академиясини тамомлаб, Навоий вилояти ИИБ 4-жазони ижро этиш колониясида фаолиятини бошлаган эди. Шунга ҳам ҳаш-паш дегунча 13 йил бўлибди. Хизмати ҳамиша ҳам силлиқ кечгани йўқ. Қанчалаб ташвишли кунларни, беором тунларни бошидан ўтказди.

«Дарахт бир жойда кўкаради» деганларидек, ҳозиргача шу соҳавий хизматда фаолият кўрсатиб келяпти. Албатта, маҳкумлар билан ишлаш осон эмас. Бунинг учун қонунни, инсон психологиясини, ҳаётни яхши билиш керак. У билимларини бойитиб боришдан эринмади. Ҳаётий тажриба эса аста-секин келди. Қолаверса, устозлари ҳамиша қўллаб туришди.

Ўтган давр ичида қанчалаб жазо ўтаётганларнинг ўз хатосини англаб етишига сабабчи бўлди. Улар озодликка чиққач жамиятда ўз ўрнларини топиб кетишди. Қолаверса, муассасада маҳкумларнинг белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этишларини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшди. Хизматда эришган ютуқлари, ташкилотчилик қобилияти туфайли мансаб пиллапояларидан поғона-ма-поғона юқорилай борди. Ҳозирда қаҳрамонимиз Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБ 11-жазони ижро этиш колониясида бошлиғининг ўринбосари.

– Соҳада ўз касбини севмаган одам ишлаши мушкул – дейди подполковник Лазизбек Маматназаров. – Билиб-билмай жиноятнинг чиркин остонасини ҳатлаб ўтган маҳкумлар билан ишлашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Лекин жиноятчини ўзингдан нари итарсанг, уни тузатиб, қайта тарбиялаб бўлмайди. Жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг хатти-ҳаракатига, юриш-туришига бефарқ қараш ҳам яхшиликка олиб келмайди. Инсонийлик тамойиллари асосида уларнинг ҳаётга ишончини, одамларга меҳр-муҳаббатини ошириш керак. Назаримда, ушбу соҳада хизмат қилаётган ходимларнинг зиммасидаги вазифанинг залворли юки ҳам шунда.

Лазизбек Маматназаров фидойи, жонкуяр ходим, ғамхўр ва талабчан раҳбар бўлиш билан бирга, намунали оила бошлиғи ҳам. У турмуш ўртоғи Зарифа опа билан бир ўғил, бир қизни камолга етказаяпти. Ниятлари фарзандларини эл корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш.

**Дилрабо АБДУҲАМИДОВА,**
**сафдор.**

*Навоий вилояти.*

# ЭЛ АРДОҒИДА БЎЛИШ БАХТИ

**Жамолиддин Валихўжаев ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти (ҳозирги Миллий гвардия ҳарбий-техник институти)ни битиргач, хизмат фаолиятини Қибрай тумани ИИБ ҲПБ профилактика инспектори лавозимида бошлади. Мана, қарийб 25 йилдирки, ушбу ҳудудда хизмат қилиб келяпти.**



«Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби, подполковник Жамолиддин ВАЛИХЎЖАЕВ



– Ишимиз осон эмас, – дейди профилактика катта инспектори, подполковник Жамолиддин Валихўжаев. – «Қурилиш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Пайзилла Назаров билан аҳоли ўртасида профилактик тадбирлар ўтказамиз. Ҳудудда жойлашган умумтаълим мактаби доимо эътиборда. Кичик бизнес субъектларида бўлиб, ишчи-хизматчилар билан суҳбатлашамиз, фуқароларни қабул қиламиз. Уларнинг муаммоларини имкон қадар жойида ҳал этиш чораларини кўрамиз.

Ҳудудий профилактика инспекторлари жамоат тартибини сақловчиларнинг ва жиноятчиликка қарши курашувчиларнинг олдинги сафида туришади. Оилавий жанжалларни бартараф этиш, ўғрилик, безорилик каби жиноятларнинг олдини олиш кўп жиҳатдан ана шу инсонларга боғлиқ.

Подполковник Ж. Валихўжаевга ҳудуддаги 822 та хонадон бириктирилган бўлиб, унда 2400 га яқин фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг 25 нафари ишсиз. 11 нафар спиртли ичимликка ружу қўйган, 7 нафар гиёҳванд мажбурий даволаниш учун соғлиқни сақлаш муассасасига жойлаштирилди. 2019 йил давомида маҳаллада учта жиноят содир этилган эди. Ундан иккитасини Ж. Валихўжаевнинг ўзи фош этди.

2020 йилнинг шу кунига қадар мазкур маҳаллада биронта ҳам жиноят содир этилмади.

Бой хизмат тажрибасига эга бўлган подполковник Жамолиддин Валихўжаевдан «Ҳар бир профилактика инспекторига муваффақият келтирувчи «универсал» усул борми?» деб сўраганимизда, ҳеч иккиланмасдан, ҳар доим аҳоли билан яқин ҳамкорлик қилиш лозимлигини айтди. Унинг асосий мақсад ва эътибори қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган. Шогирдлари ҳамда ёш ҳамкасбларига соҳа сирларини ўргатишдан эринмайди. Уларга доим маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб келади.

– Устоз доим тўғриликка, ҳалол меҳнат қилишга, қатъий тартиб-интизомга, одамлар билан яхши муомалада бўлишга ўргатади, – дейди Қибрай тумани ИИБ ҲПБ профилактика инспектори, катта лейтенант Азамат Азимов. – «Кўча-кўча, ҳовлима-ҳовли пиёда юришдан эринманг, одамлар инспекторни танисин, билсин, унинг ўзи ҳам ҳудудидаги каттаю кичикни билсин. Профилактика инспектори бир жойда ўтирса, иш битмайди. Аҳолининг ишончини қозонсангиз, одамларнинг ўзи сизга маслаҳати, амалий иши билан ёрдам беради», деб уқтиради. Иш фаолиятимда у кишидан ўрганганларим бисёр.

Бир сўз билан айтганда, профилактика катта инспектори, подполковник Жамолиддин Валихўжаев давлатимиз раҳбари уқтирганидек, ички ишлар органларининг маҳалладаги вакили эмас, балки маҳалланинг ички ишлар органларидаги вакили сифатида ишни ташкил этмоқда. У кўп йиллик хизмати учун Президентимиз фармонига кўра, Ички ишлар органлари ходимлари куни арафасида «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

Подполковник Жамолиддин Валихўжаев бугун турмуш ўртоғи Моҳирахон билан икки ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказмоқда. Хизматда жасур ва тажрибали ходим, уйда меҳрибон ота, вафодор эр бўлган Жамолиддиннинг ишдан қайтишини ҳар куни оиласи интиқлик билан кутишади. Эшикдан кириб келиши билан биринчи бўлиб кенжа ўғли Шоҳрухжон пешвоз чиқиб, уни қучади. Кейин бош кийимини кийиб, болаларга хос эркалик ва ширин тил билан шундай дейди: «Дада, мен офицер бўламан!»

Бир инсон учун одамларга нафи тегадиган касбда ишлаш, жамоада ҳурмат қозониш, фарзандларини қучиб эркалашдан-да ортиқ бахт бормикин? Саодатли кунларингиз бундан-да кўп ва хизматингиз аъло бўлсин, деймиз!

**Адолат ФАЙЗИЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

*Тошкент вилояти.*

САЙЁР ҚАБУЛ

# ЭЛ ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛИШ ШАРАФ

**Улуғ мутафаккир Алишер Навоий одамийликнинг мазмунини элга хизмат қилишда, унинг оғирини енгил қилиб, эл юкини кўтаришда деб билган. Бу ҳикмат ҳеч бир замонда ўз қийматини йўқотган эмас. Зеро, у бугун ҳам амалда, ўз кучида. Ҳозирда ўтказилаётган халқ билан учрашувларнинг моҳиятида ҳам айни шу ҳақиқат ётибди.**



Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Комилжон Ғаффоровнинг Термиз шаҳрининг Паттакесар маҳалласидаги 3-сектор штабида ўтказган сайёр қабулида 12 нафар фуқаронинг мурожаатлари тингланиб, айримларига шу ернинг ўзида ечим топилди. Жумладан, фуқаро Г.Пардаевага беш йилдан бери оғир хасталикдан азият чекаётган синглисини Тошкент шаҳрида даволатиш учун вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасидан ордер олишда кўмаклашиладиган бўлди.

Мурожаатчилар орасида катта миқдордаги пул маблағини қарзга бериб, ололмай юрган, турмуш ўртоғининг тазйиқидан ҳимояланишни истаётганлар ҳам бўлди. Уларнинг ҳам мурожаатлари ўрганиб чиқилиб, тегишли чоралар кўрилди.

Худди шундай сайёр қабул Термиз туманидаги Учқизил маҳалласи фуқаролари учун 13-Болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам бўлиб ўтди. Унда вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Комилжон Ғаффоров билан бирга туман ИИБ бошлиғи, подполковник Муҳиддин Амонтўраев фуқароларнинг мурожаатларини тинглади. Асосан уй-жой, ичимлик суви, суюлтирилган газ баллони билан таъминлаш, тадбиркорлик учун кредит олиш, қарз олди-бердиси, қўшнилар ўртасидаги низоли ҳолатлар каби муаммолар юзасидан қилинган мурожаатлар бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилди.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*

КЎРИК-ТАНЛОВ

# ШИЖОАТЛИ ХОДИМЛАР

**Хоразм вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони ходимлари ўртасида ўтказилган «Намунали патруль-пост хизмати ходими» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди.**



Танлов иштирокчилари икки кун давомида спорт тўсинида тортилиш, 100 ва 3000 метр масофаларга югуриш, қўл жанги усуллари, 50 метр масофага сувда сузиш, ўқ отиш, саф тайёргарлиги ҳамда соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича тест синовларида бор билим ва маҳоратини намойиш этишди. Ҳакамлар ҳайъати танлов иштирокчиларининг ҳар бир чиқишини синчковлик билан кузатиб, холисона баҳолаб боришди.

Кўрик-танловнинг якунига кўра, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони 1-отряд сафдор ходими, сафдор Тимур Юсупов энг юқори натижага эришиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Унинг сафдоши сафдор Худойберган Худойберганов ҳамда «Эзгулик патрули» махсус гуруҳи сафдор ходими, сафдор Асқар Эшниёзов иккинчи ўринни эгаллашди. Батальоннинг ижтимоий-сиёсий, оммавий-маданий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш отряди ҳайдовчи ходими, сафдор Умидбек Рейимберганов, бўлинма инспектори, кичик сержант Дониёр Аминов ҳамда 1-отряд сафдор ходими, сафдор Сардор Матризаев учинчи ўринга муносиб топилди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ғолиб ва совриндорлар кубок, диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*




8 декабрь –
Ўзбекистон
Республикасининг
Конституцияси қабул
қилинган кун

# КЕЛАЖАКНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРАМИЗ

Болаликнинг беғубор осмонида, оппоқ орзулар қанотида учиб юрган пайтларимдан биламанки, Мустақиллик байрами, Конституция қабул қилинган кунлар уйимизда, албатта, байрамона дастурхон ёзилади, дўппидеккина ош дамланиб, бутун оила аъзолари жам бўлишади. Бола қалбим ҳали таваллуд топган кун шодиёналари ҳақида унчалик тасаввурга эга бўлмаса-да, аммо Мустақиллик, Конституция ҳақида катталар кўмагида айрим тушунчаларга эга бўлгандим. Айниқса, онам бу байрамлар билан боғлиқ шеърлар ёдлатарди. Уйнинг тўрида туриб, ифодали ўқиб берсам, ҳаммалари қарсак чалиб олқишлашарди.

Кейинчалик ёшимга ёш қўшилиб, катта бўлганим сари туғилган санам – 8 декабрь Қомусимиз қабул қилинган кун билан бир кунда эканини англадим. Бу менга айрича ифтихор берганиданми, ўзимни тенгдошларим орасида қандайдир бир қур баландроқ сезардим. Айнан шу санада таваллуд топганимдан ғурурланардим. Келажакда, албатта, она Ватан хизматига камарбаста бўламан, ҳарбий бўламан, тинчлигимиз посбони бўламан, деган адоқсиз орзулар оғушида яшардим.

Ойдан-да ойдин орзуларим мақсадга айланиб, ИИВ Академиясида ўқиш бахтига мушарраф бўлдим. Ҳозир Бўка тумани ИИБ жиноят қидирув бўлинмаси қидирув гуруҳининг тезкор вакили лавозимида хизмат қиляпман.

Ҳа, давлатимизда ёшлар учун барча имкониятлар эшиги очиқ, фақат ундан унумли ва самарали фойдалана билсак бас. Бизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар замиридаги улкан ишончни бир зум ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ. Муҳими, биз келажакни ўз қўлимиз билан қурамиз. Қолаверса, она Ватанни, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш биз, ёшларнинг муқаддас бурчимиздир. Зеро, мустақиллик тимсолида ҳар биримиз ўзимизни, ёруғ келажагимизни, бахту иқболимизни кўрамиз.

**Шаҳзод ҒАНИЕВ,**
**катта лейтенант.**

3 ДЕКАБРЬ – ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ

# ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронларга ҳаётда кенг имконият ва шароитлар яратиб бериш масаласига алоҳида аҳамият бериб келинади.



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1992 йил 14 октябрдаги қарорига асосан ҳар йили «3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни» сифатида республикамизда кенг нишонланиши ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг яққол исботидир.

Бутун дунё аҳолисининг 1 миллиарддан ортиғида, яъни ҳар етти кишидан камида биттасида муайян бир турдаги ногиронлик мавжуд. Барча ногиронларнинг 100 миллиондан ортиғини болалар ташкил этади. Маълумотларга кўра, соғлом болалардан фарқли ўлароқ, ногирон болалар ўз ҳаёти давомида зўравонлик қурбонига айланиши эҳтимоли тўрт баробар кўпроқдир. Катта ёшдаги инсонларда эса ушбу рақамлар бир ярим баробарни ташкил этади.

Ушбу кунни нишонлашдан асосий мақсадлардан бири бутун дунёда амалга ошириладиган дастур ва лойиҳаларда ногиронлар бошқа ногирон бўлмаган кишилар билан тенг ҳуқуқлилик асосида иштирок этишини, уларнинг манфаатлари, ҳуқуқлари инобатга олинишини, барча мамлакатларда ногиронларнинг қадр-қимматини ҳимояловчи қонунлар ва тартиб-таомилларнинг жорий этилишини таъминлаб, барча учун очиқ ва дўстона бўлган жамият қуришдан иборат.

Шу кунларда мазкур сана муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар ҳам ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда ўз ўринларини эгаллашларига имкониятлар яратиш борасида республикамизда амалга оширилаётган ишлар, бу борада ҳукуматимиз томонидан ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, кенг жамоатчиликнинг ҳам бу савобли ишларда фаол иштирокининг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур сана муносабати билан ўтказиладиган кенг кўламли тадбирлар ногиронлар жамиятнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида янада фаолроқ иштирок этиши билан унинг юксалишига ижобий таъсир кўрсатишини англаб олишга ёрдам беради.

**Г. ТУРҒУНБОЕВА тайёрлади.**

ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

# КЕЙИН КЕЧ БЎЛАДИ

**Ёшлар тарбиясида оиланинг ўрни беқиёс. Чунки соғлом муҳитда камол топган ўғил-қизлар келажакда жамиятимизнинг фидойилари бўлиши шубҳасиз. Афсуски, баъзи ота-оналар бу борада ўз масъулиятини унутиб, фарзанд тарбиясидек муҳим вазифага бефарқ муносабатда бўлишмоқда. Қуйидаги воқеа ҳам фикримизга яққол мисол бўла олади.**



Тўққиз йил деганда фарзанд кўришган Р. Фахриддин ҳамда Б. Муниса маҳалла аҳлини йиғиб ош беришди. Меҳмонлар Яратганнинг инояти ила хонадонга қувонч олиб кирган жажжигина чақалоққа узоқ умр тилашди... Орадан йиллар ўтди. Фахриддин эндигина 6-синфда ўқиётган ёлғизгина ўғлини қўшнисига ташлаб, турмуш ўртоғи билан пул ишлаш ниятида чет элга кетиб қолди. Бегоналар қўлида қолган Комронбек нобоп болаларга қўшилиб, жиноятга қўл урди. Бундан хабар топган Фахриддин турмуш ўртоғини олиб уйига қайтди. Ўз хатоларини анча кеч англаган ота-она қилмишидан пушаймон бўлиб, афсус-надомат чекишди.

Ҳазорасп тумани ИИБ ҲПБ ВЕ ва ЁЎҲПТЭГ ходимлари бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қатор профилактик тадбирларни амалга оширишмоқда. Бунда асосий эътибор ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва уларнинг оилаларини ўз вақтида аниқлаш, уларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, таълим-тарбия жараёнларини назорат қилиб, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган. Туман ҳудудидаги маҳаллаларда таълим муассасаларида карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўтказилаётган учрашувларда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ота-оналар масъулиятини ошириш, ёшларни экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси каби жиноий иллатлардан ҳимоя қилиш масалаларига энг муҳим вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

– Оила, мактаб, маҳалла билан ҳамкорлигимиз натижасида вояга етмаганлар томонидан жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилиши кескин камайди, – дейди туман ИИБ ҲПБ ВЕ ва ЁЎҲПТЭГ катта инспектори, майор Атаназар Жуманиёзов. – Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида битта ўғрилик жинояти қайд этилди. Ушбу жиноятнинг содир этилишига сабаб бўлувчи барча омиллар маҳалланинг ўзида ота-оналар, фаоллар иштирокида муҳокама этилди. Шунингдек, ўтказилган профилактик тадбирлар давомида жамоат жойларида мақсадсиз юрган 381 нафар ўсмир ички ишлар органлари таянч пунктларига олиб келиниб, улар билан профилактик суҳбатлар ўтказилди. Фарзандлар тарбиясига салбий таъсир этувчи 46 нафар ота-она ҳамда 8 нафар тарбияси оғир болалар профилактик ҳисобга олинди. Қарамоғидаги вояга етмаганлар тарбияси билан етарлича шуғулланмаган 51 нафар ота-она ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан белгиланган тартибда қонуний чоралар кўрилди. Турли маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган 6 нафар ўсмир профилактик кузатув остига олинган.

Жамоат жойларида мақсадсиз юрган вояга етмаганларни аниқлаш ва уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, зарур маслаҳатлар бериш мақсадида кенг қамровли профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

Айни кунларда ёшларимизнинг аксарияти уяли алоқа воситаларидан фойдаланиб, интернет орқали турли хабарлар, янгиликлар билан танишишяпти. Бу, албатта, ижобий ҳолат. Аммо баъзи сайтларда зарарли ёки нохолис маълумотларнинг берилиши ёшларимиз онгига салбий таъсир этмоқда. Шундай экан, фарзандларимизни бундай ахборот хуружларидан асраган ҳолда, уларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча зарур шароитларни яратиб беришимиз лозим. Акс ҳолда кейин кеч бўлади.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**ўз мухбиримиз.**

*Хоразм вилояти.*

**Суратда:** *майор Атаназар Жуманиёзов вояга етмаган ёшлар билан суҳбатлашмоқда.*

**Муаллиф олган сурат.**

СЕМИНАР

# ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР: ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ички ишлар вазирлиги ҳамда «Тараққиёт стратегияси» маркази ҳамкорлигида «Жазони ижро этиш тизими фаолияти: халқаро стандартлар ҳамда хорижий ва миллий тажриба» мавзусидаги онлайн ва офлайн семинар бўлиб ўтди.



Семинар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси ва Демократия жамғармаси ҳамда Халқаро қамоқхоналар ислоҳоти (PRI) халқаро нодавлат ташкилотининг кўмагида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палаталари қўмиталари вакиллари, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили, Халқаро қамоқхоналар ислоҳоти (PRI) ташкилотининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси вакили, Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармаси масъул ходимлари иштирок этишди.

Семинар давомида жазони ижро этиш муассасаларининг фаолияти: халқаро стандартлар ва илғор амалиёт асосида ижобий тенденциялар, муаммолар ва истиқболлар юзасидан маълумотлар тақдим этилди. Жумладан, мазкур муассасалардаги тартиб-интизом, реабилитация ва маҳкумларнинг жамиятга қайта мослашуви, менежмент ва сервис дастурларини ташкил этиш юзасидан тренинг ўтказилиб, тизимдаги ижобий тенденциялардан мисоллар келтирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўз чиқишида иштирокчиларга қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш устидан парламент назоратини кучайтириш, қийноқларнинг олдини олиш бўйича Миллий превентив механизм (МПМ) доирасида амалга оширилаётган ишлар ва жазони ижро этиш муассасаларига доимий равишда мониторинг ташрифлари тўғрисида гапирди. Тадбир иштирокчиларига ушлаб турилган, қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турлари қўлланилганлиги бўйича келиб тушган мурожаатлар ҳамда қийноқнинг олдини олиш юзасидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Таъкидлаш жоизки, БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йил 17 декабрдаги резолюцияси билан қабул қилинган «Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари қоидалари» (Нельсон Мандела қоидалари) таржима қилиниб, жазони ижро этиш муассасаларига тарқатилди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жинояти учун жазо ўтаётган маҳкумларга илк маротаба сайлов ҳуқуқи берилди. Маҳкумларнинг иш ҳақидан ижтимоий суғурта ажратилмаслиги белгиланиб, пенсия таъминотига эга бўлиши таъминланган. Маҳкумларнинг телефон сўзлашуви, йўқлов ва учрашувлар олиши сони қарийб икки баробарга кўпайтирилган. Тошкент вилояти Зангиота туманида замонавий, халқаро стандартларга мос равишда янги терговн ҳибсхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Давлат бюджети ҳисобидан 18 та колонияда капитал ҳамда 17 та колонияда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Қолаверса, Қорақалпоғистон Республикаси «Жаслиқ» қўрғонида жойлашган 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясини тугатилганлиги ҳам кўпчиликка маълум.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Озодликдан маҳрум этилган шахслар учун умумий таълим ва касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳам мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланган. Тадбирда бошқа шу каби масалаларнинг мазмун-моҳияти, ижросини таъминлаш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига мутахассислар батафсил жавоб қайтардилар.

**Шахризод ШОКИРОВ,**
**ИИВ ЖИЭББ Ахборот хизмати бошлиғи, лейтенант.**

## 1 ДЕКАБРЬ – ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШИШ КУНИ

*Дунё аҳлини беҳаловат қилаётган хасталик ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) ижтимоий касалликдир. Шунинг учун у кенг маънода нафақат иқтисодий, сиёсий зарар келтиради, балки оилавий, руҳий, маънавий, ахлоқий жиҳатдан ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Шундай экан, касалликнинг олдини олиш, даволаш, тарқалишини чеклаш ишларида ақл-заковат билан иш тутиш катта аҳамиятга эга. Яъни, руҳий тўсиқларни бартараф этиш керак бўлади. Бунинг учун ҳар қандай шароитда ҳам ахлоқ, одоб ва ўзаро ҳурмат руҳида яшаш, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билган ҳолда, ўзини ва ўзгаларни ҳимоя қила олиши, маънавий жавобгарликни ўз бурчи деб билиши керак.*

*Ушбу касалликка чалинганда, ички ва ташқи зарарли таъсиротлардан ҳимоя қилувчи — иммун тизими вирус таъсирида издан чиқади. Вақтида тегишли чора-тадбирлар кўрилмаса, юзага келадиган муаммоларнинг чегараси бўлмайди. Унга қарши чора қўллашни эртанги кунга қолдириш нафақат қалтис, балки жиноят ҳисобланиши лозим, чунки бу масалада бепарволик қилган инсоннинг «эртанги куни» ҳам бўлмайди.*



# ДУНЁ АҲЛИНИ БЕҲАЛОВАТ ҚИЛАЁТГАН ХАСТАЛИК

Вирус юққан шахснинг аҳволи узоқ муддат ичида меъёрида бўлиши мумкин. Чунки вирус организмга киргач, ҳужайрага ёпишиб олиб, аста-секин ҳужайра ичига, асосан ядросига жойлашиб олади ва маълум давргача тинч ҳолатда сақланади. Касаллик ўткир ҳолатда ривожланадиган бўлса, вируснинг инкубация (касаллик белгиси намоён бўлгунгача) даври 6–18 ой бўлиши мумкин.

Ҳозирги даврда инсон соғлигига путур етказувчи, энг оғир ва мураккаб муаммолардан бири бўлиб қолаётган бу касалликка қарши туриш учун давлатимиз томонидан барча қулайликлар яратилган. Лекин аср вабосининг олдини олиш, даволаш, тарқалишига йўл қўймаслик нафақат тиббиёт ходимлари, балки барча-барчамизнинг муҳим ишимиз бўлиши керак. Бунинг учун халқимизга ОИТС ҳақида илмий асосланган, мукаммал тушунчаларни етказишнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

ОИТСни француз олими Люк Монтанте ва америкалик олим Роберт Галлолар кашф этган. Бу хасталикнинг негизида киши организмининг касалликларга, айниқса, инфекцияларга қарши курашиш қобилиятининг бузилиши ётади. Олимларнинг таъкидлашича, ОИТСнинг ўзи тўғридан-тўғри ўлимга олиб келмагани ҳолда, кишида ўпка яллиғланиши, турли-туман инфекциялар, миянинг жароҳатланиши, хатарли ўсмаларнинг ривожланишига ва бошқа хасталикларга замин ҳозирлайди. Узоқ даволана олмайдиган зотилжам, диарея, сил ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг барчаси учун умумий лимфа тугунларининг катталашиши, беморнинг озиб кетиши, унда кучли авитаминоз, битмайдиган яралар ва бошқалар пайдо бўлиши кузатилади.

Одам организмида энг юқори концентрацияга эга бўлган субстлар – қон, сперма ва орқа мия суюқлигидир. Организмга вирус тушгандан бошлаб яширин даври 1 ойдан 4 йилгача ва ундан кўпроқ бўлиши таъкидланади. Вирус юққан шахсда, яъни вирус ташувчида касаллик белгилари бўлмаса-да, у бошқаларга касалликни юқтириши мумкин. Вируслар лимфоцитларда кўпая бориб, уларнинг ўзаро мувозанатини бузиб юборади. Организмда иммунологик реакциялар кечиши жараёни бузилиши натижасида вирус ташувчилик бевосита ОИТСга ўтиши, яъни касаллик намоён бўлиши аниқланган. Олимларнинг таъкидлашича, ОИТСга қарши даво чоралари топилмаган, унга қарши эмлаш воситаси ҳам йўқ. Лекин уларни топиш бўйича изланишлар, тадқиқотлар ҳанузгача давом этмоқда.

Соғлом одамга ОИТС кўп ҳолларда жинсий алоқа орқали ҳамда у билан касалланган ёки вирус ташиб юрувчи одамлардан (донорлардан) олинган қонларни умумий касаллик билан хасталанган беморларга қуйиш ёки яхши зарарсизлантирилмаган тиббий асбоблар билан муолажа қилиш орқали юқиши мумкин. Она сути орқали, яъни вирус ташувчи ёки ОИТС бўлган она боласини эмизганда ҳамда касаллик вирусининг ҳомилага йўлдош орқали ўтиши ҳам аниқланган. Шу соҳа олимларининг хабарларига кўра, ОИТС билан касалланганларнинг 70–80 фоизини жинсий алоқа орқали юқтирганлар ташкил этади.








Бу гуруҳ одамларига енгил табиатли аёллар, фоҳишалар, жазманини тез-тез ўзгартириб турувчи одамлар, бесоқолбозлар, яъни гомосексуалистлар, гиёҳвандлар, таносил касалликлари билан тез-тез хасталаниб турувчилар, тасодифий учрашувлар ҳамда хориждан келган одамлар билан жинсий алоқада бўлишга мойил одамлар киради. Бундай шароитда ватанимиз аҳолисининг ҳар бири ОИТС тўғрисида зарур билимларга эга бўлиши, ундан сақланишнинг чораларини яхши тасаввур қила олиши шарт.

Республикамизда ОИТС касаллиги олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича ҳамда бу касалликни тарқатишга уринувчи шахсларни қаттиқ назорат қилиш ҳақида республика қонуни ва узоқ муддатга мўлжалланган дастури тузилган. Юртимизда ОИТСнинг тарқаб кетиши олдини олишнинг асосий чегаралари кўрилиб, унга қарши курашувчи ихтисослаштирилган республика маркази, вилоятларда, шаҳарларда унинг бўлимлари ташкил этилиб, у ерларда диагностика лабораториялари очилган.

Республика ОИТС маркази қошидаги аноним хонада ОИТС ёки вирус ташувчиликда гумон қилинган шахслар аноним ёки очиқ ҳолда текширишдан ўтишлари мумкин. Шунингдек, бу ерга хоҳлаган шахс мурожаат қилиб, ўзини қизиқтирган муаммолар юзасидан маслаҳатлар олиши ҳам бемалолдир. ОИТС вирусининг юқиш эҳтимоли бор экан, ҳар бир эркак, аёл ва фарзандларимиз, унинг келиб чиқиш сабабларини яхши англаб, ўз хулқ-атворини олий даражада сақлаб юрса, бу касаллик чангалига тушмаслиги аниқ.

Маълумотларга кўра, ОИВ эпидемияси бошлангандан буён дунё бўйича ушбу дардга чалинганлар сони 75 миллионни ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, инсон саломатлигига, мамлакатларнинг ижтимоий ривожланишига ҳамда хавфсизлигига раҳна солаётир.

Хулоса қилиб айтганда, энг муҳими ОИТС биз билан бирга XXI асрга кириб келаётганини ҳисобга олиб, ҳар бир киши бу масалада жон куйдирмоғи даркор. Бунинг учун улар ОИТС ҳақидаги маълумотларни билишларининг ўзи ҳам катта аҳамиятга эга. Улар касаллик ва вирус ҳақида, касалликнинг яширин белгилари, ривожланиши, даволаш, беморга ёрдам бериш, унга нисбатан психотерапия ишлари, профилактика масалалари ва бошқалардир.

Асримиз вабоси бўлган ОИТС ҳамда гиёҳвандлик офатидан халқимизни ва келажак авлодни халос этиш, уларни моддий-маънавий баркамоллик сари йўналтиришдек умумбашарий хайрли ишларимизда Аллоҳнинг ўзи ҳаммамизга мададкор бўлсин!

**Шариф ОСТОНОВ,**
**подполковник.**

НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ

# Когда мать безмерно рада...



**А. Даулетбаев начал службу в 2009 году. На сегодняшний день он является одним из лучших следователей подразделения.**



Начальник следственного отделения Кунградского РОВД майор Аманбай Даулетбаев. Награжден медалью «Шухрат».

…Житель села Жаслык Кунградского района К. обратился в РОВД с заявлением, в котором говорилось, что из его дома исчезли крупная сумма денег и другие ценности.

При осмотре места происшествия следователь А. Даулетбаев предположил, что вор мог проникнуть в дом через форточку. Значит, кражу мог совершить человек небольшого роста и худощавого телосложения, возможно, подросток. Следователь вместе с территориальным инспектором профилактики стали беседовать с жителями села. В результате один из таксистов сообщил, что утром вез подростка Б. в Кунградский район и видел, что у него была большая сумма денег. Вскоре Б. задержали в Кунградском районе. Краденные вещи были возвращены потерпевшему.

Майор А. Даулетбаев не раз награждался почетными грамотами и благодарственными письмами Министерства внутренних дел Республики Каракалпакстан. Благодарственные письма за образцовую службу сына от имени министра вручали отцу Аманбая, Асенбаю Даулетбаеву, и матери – Свете Халмуратовой.

– Я горжусь тем, что мой сын служит в рядах органов внутренних дел, укрепляет закон и порядок, защищает интересы граждан. Безмерно рада и очень благодарна Президенту нашей страны и руководству МВД за то, что оценили труд моего сына высокой наградой, – говорит мать Аманбая, Света Халмуратова.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**
**корреспондент «Postda».**
*Республика Каракалпакстан.*

# СЛУЖБА ПРОБАЦИИ: ТОЛЬКО ФАКТЫ

**Президент и государство прощают большинство осужденных, осознавших совершенную ими ошибку и пожалевших о своих действиях. Это можно назвать оказанным им высоким доверием, предоставленной прекрасной возможностью.**

▼ За 9 месяцев текущего года были условно-досрочно освобождены 2 062 осужденных, состоящих на учете группы пробации ГУВД Ташкентской области.

▼ Составлены социально-психологические портреты 184 находящихся на контроле лиц, имеющих склонность к совершению преступления.

▼ Были организованы ярмарки вакансий, в результате которых 1 015 человек, освобожденных от наказания, были трудоустроены, 841 – прошел переподготовку, 349 – направлены на бесплатные курсы повышения квалификации.

▼ 498 лиц той же категории, приговоренных к наказанию, не связанному с лишением свободы, были отправлены обратно в исправительные учреждения за уклонение от наказания.

▼ В текущем году сотрудники группы пробации взяли на учет 258, сняли с учета – 173 женщин-заключенных. Примечательно, что 81 женщина, освобожденная из мест лишения свободы, прошла медицинский осмотр и нашла работу. С целью предупреждения повторного совершения преступлений с ними были проведены соответствующие профилактические беседы, прикреплены наставники по месту жительства. 67 женщин были досрочно освобождены от приговоров, не связанных с лишением свободы, трое – получили финансовую помощь, семеро – были направлены на работу.

***В основе прилагаемых усилий лежит благородная цель – обеспечение мирной, благополучной и счастливой жизни наших граждан. Мы и в дальнейшем будем стараться повышать эффективность нашей службы.***

**Азмиддин БУРХОНОВ,**
**начальник отдела пробации ГУВД Ташкентской области,**
**подполковник.**

ДИАЛОГ С НАРОДОМ

# Обеспечение интересов населения



Выездные приемы – это механизм, посредством которого оперативно решаются проблемы граждан. Уже не первый год тысячи людей обретают уверенность в завтрашнем дне, разрешая личные вопросы и общественные проблемы. Здесь нет более или менее важных тем – ответственные лица рассматривают каждое обращение.

Во всех районах столицы руководители секторов по социально-экономическому развитию города проводят массовые выездные приемы. Цель – услышать глас населения, предотвратить излишнюю беготню и простаивание граждан в очередях.

Выездной прием жителей Янгихаётского и Сергелийского районов начальник ГУВД г. Ташкента полковник А.Ташпулатов провел в здании хокимията Сергелийского района. В беседе с населением также принимали участие представители Администрации Президента, руководители четырех секторов по социально-экономическому развитию города, ответственные сотрудники УКД ОВД Янгихаётского и Сергелийского районов, представители районного медицинского объединения и центра занятости населения, организаций жилищно-коммунального и дорожного хозяйств, председатели махаллинских сходов граждан.

А. Ташпулатов представил присутствующим хокима и начальника УКД ОВД нового, Янгихаётского района столицы.

В ходе выездного приема было заслушано двадцать с лишним обращений жителей десятка махаллей районов. Граждане имели возможность напрямую обратиться к руководителям ответственных организаций с проблемами, которые их волнуют, по вопросам, требующим безотлагательного решения. Прозвучали просьбы о получении прописки, паспорта, установке светофора на одной из оживленных улиц, оказании содействия в получении лекарств на льготных условиях, решении проблем в сфере жилищно-коммунального хозяйства. Были заданы вопросы, касающиеся судебно-правовой системы, а также оказания практической помощи в организации предпринимательской деятельности.



Ряд обращений был решен на месте, по остальным даны указания. Перед руководителями соответствующих ведомств и организаций были поставлены конкретные задачи, отдельные – взяты на контроль руководством ГУВД г. Ташкента.

Подобные выездные приемы продолжатся и в других районах столицы.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

ҚЎШСАҲИФАДА –

# ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР БЎЛМОҒИ КЕРАК



Вилоятда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда, албатта, аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашдек хайрли мақсад кўзланган.

Жорий йилда олиб борилган кенг профилактик ишлар самараси ўлароқ, жамоат жойларида содир этилган жиноятлар сони 18,2 фоизга, ўлим ҳолатига олиб келган йўл-транспорт ҳодисалари 5,6 фоизга камайишига эришилди. Бедарак йўқолган 34 нафар фуқаро топилиб, оиласига қайтарилди.

Тезкор тадбирлар давомида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ 154 та ҳолат аниқланди. 39 килограмдан ортиқ гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига чек қўйилди.

Сўнгги вақтларда кинология хизмати самарали фаолият юритаётгани намоён бўлмоқда. Хизмат итлари ёрдами билан ўнлаб турли кўринишдаги жиноятлар «иссиқ изида» фош этиляпти. Бунга хизмат итлари питомнигининг моддий-техник базаси яхшилангани ҳам омил бўлаётир. Чунончи, бўлинма автотранспорт ва алоқа воситалари билан таъминланган. Хизмат итлари наслини яхшилаш учун зарур воситалар ажратилмоқда.

Бу кўрсаткичлар хотиржамликка берилишга асло асос бўла олмайди. Негаки, вилоят ички ишлар органлари ходимлари томонидан кўрилган профилактик чораларга қарамай, Андижон шаҳрида ҳамда Андижон, Асака, Балиқчи, Жалақудуқ, Избоскан ва Шаҳрихон туманларида жиноятчилик кўрсаткичи ошган. Бу ҳолат хизмат фаолиятимизга танқидий нуқтаи назардан ёндашиб, мазкур ҳудудлар ички ишлар органлари ишидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишни тақозо этади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Ҳозирда вилоят ҳудудида жойлашган 882 та маҳаллада 907 нафар ҳудудий профилактика инспектори хизмат қилмоқда. Улар ўз ҳудудида ўсмирлар ва ёшлар ўртасида



мақсадли профилактик ишларни олиб боришга алоҳида эътибор қаратишган.

Кейинги вақтда ўқувчи ёшларнинг дарс пайтида вақтини бозорларда ва одамлар гавжум бошқа жойларда ўтказиши билан боғлиқ кўплаб ҳолатлар аниқланаётгани ташвишланарли, албатта. Шу боис профилактика хизмати томонидан кенг жамоатчилик, ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, педагоглар, Ёшлар ишлари агентлигининг бошланғич ташкилотлари ходимларини жалб этган ҳолда ўқувчиларни машғулотларга жалб этиш чоралари кўрилмоқда.

Дарвоқе, 2006 йилда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ бўлинмасида отлиқ отряд шакллантирилди. Ёруғлик қайтарувчи махсус кийим билан таъминланган отлиқ отряд нарядлари куннинг қоронғу қисмида ҳам вилоят марказида патруллик қилади. Отлиқ нарядларнинг асосий устунлиги шундаки, улар саноқли дақиқаларда керакли жойга етиб бориш имкониятига эга.

Ходимлар орасида фуқароларга нисбатан написанд муносабатда бўлиш, уларга тазйиқ ўтказиш, қийноққа солиш сингари ноқонуний ҳолатларнинг олдини олиш мақ-



садида қатъий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тизимга адашиб кириб қолган ноқобил, нопок ходимларни аниқлаш ва вазифасидан бўшатиш чоралари кўрилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашган, хизмат интизомини бузган, қонунбузарликка йўл қўйган ходимларга нисбатан кескин чоралар кўрилди. Хусусан, 259 нафар ходим интизомий жазога тортилди, 22 нафари ишдан бўшатилди. 7 та ҳолатда эса ходимларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Ходимлар билан боғлиқ барча нохуш ҳолатлар соҳавий хизматларда, жойлардаги ички ишлар органларида шахсий таркиб иштирокида кенг муҳокама қилингани эътиборлидир. Ушбу муҳокамаларда жамиятда қонун устуворлигининг таъминланиши, фуқароларнинг давлат ва унинг органларига ишончининг ортиши кўп жиҳатдан тизим ходимларининг хизмат интизомига риоя этишига, аҳоли билан мулоқот жараёнида юксак муомала маданиятига амал қилишига боғлиқлиги таъкидланиб, бу борада кўзга ташланаётган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш зарурлиги айтилди. Шахсий таркиб билан ишлаш сифати ва самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Ёш ходимларни хизмат бурчига садоқат, юртга муҳаббат руҳида тарбиялаш, келгусидаги хизмат фаолияти давомида уларнинг турли нотўғри йўлларга кириб қолишига йўл қўймаслик ҳам устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунда ёш ходимлар ўртасида доимий тарзда тарбиявий ишлар олиб боріляпти. Бу борада уларнинг ота-оналари, фахрийлар билан ўтказилаётган учрашувлар ҳам ижобий натижа беришига ишонамиз.

Ички ишлар органларида хизмат қилиш – хизматга беписанд, адолатсиз муносабатнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик билан уйғунлашган инсонийлик, дўстона талабчанлик, ўзаро ёрдам ва қўллаб-қувватлаш, ҳушёрлик, мардлик, матонат мактабидан ўтиш демакдир. Ҳар бир ходимда айни шу жиҳатларни шакллантира олсак, юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишдек эзгу мақсадларга тўла эришамиз.

**Азат ТАСБАЕВ,**
**вилоят ИИБ бошлиғи,**
**полковник.**






# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

**Маълумки патруль-пост нарядлари куну тун, ҳар қандай об-ҳаво шароитида хизмат фаолиятини олиб боради. Бу билан соҳавий хизмат ходимлари тартибни сақлашга муносиб ҳисса қўшиб, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлайдилар.**

## КУНУ ТУН ХИЗМАТДА



– Ҳозирги кунда вилоятимиз марказида 35 та пиёда ва 30 та автопатруль, 4 та отлиқ наряд кечаю кундуз жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида хизмат қилмоқда, – дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, майор Раҳимжон Абдураимов. – Жорий йил бошидан буён бевосита патруль-пост хизмати батальони ходимлари томонидан 25 та жиноят «иссиқ изида» фош этилди. Уларнинг ёрдами билан ўғрилик, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши, босқинчилик каби 56 та турли кўринишдаги қонунбузарликлар аниқланди, қимор ўйналадиган махфий масканларга барҳам берилди.

Патруль-пост хизмати пиёда наряди таркибидаги сафдорлар Дилшодбек Обидов ва Шерзодбек Позилов бириктирилган ҳудудни айланиб юрган чоғида Андижон шаҳридаги Нақшбандий кўчасида бир аёл ноқонуний равишда дори воситалари савдоси билан шуғулланаётганини пайқаб қолишди. У қўлга олиниб, гувоҳлар иштирокида тинтув ишлари амалга оширилди. Натижада аёлнинг ёнидан фенолбарбитал, лирика, тропикамид, трамадол каби кучли таъсирга эга препаратлар топилди. Ҳолат юзасидан тегишли чора кўрилишини таъминлаш мақсадида М.Мақсудахон Андижон шаҳар ИИОФМБга олиб борилди.

Батальонда устоз-шогирд анъанасига алоҳида эътибор қаратилади. Хизматга энди киришган ёшлар узоқ йиллик фаолияти давомида етарлича касбий маҳоратга эга ходимларга бириктирилади. Биргаликдаги хизмат давомида тажрибали ходимлар ўз билим ва кўникмаларини улар билан ўртоқлашади.

Батальонда ходимлар учун барча шароитлар яратилган. Ўқув хоналари, маънавият ва маърифат дарслари ўтказиладиган зал, тренажёрли спорт зали, спорт майдончаси, ошхона, кийиниш хонаси, душхона, руҳий енгиллашиш хонаси шахсий таркиб хизматида. Махсус ўқув зали ҳақида эса алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли. Ушбу залда вилоят марказининг макети яратилган бўлиб, унда патруль-пост хизматининг пиёда, автомобиль ва отлиқ йўналишлари белгилаб қўйилган. Бу ерда ёш ходимлар йўналишларни ўрганиб, энг гавжум жойларни эслаб қолишади, вилоят марказидаги турли объектларнинг жойлашуви бўйича зарур тасаввурга эга бўлишади.

**Абдухалил ЮЛДОШЕВ,**
**подполковник.**

**Олтинкўл туманидаги 3-сектор ҳудуди 52 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Бўстон, Оқтепа, Катта Оқтепа, Марказ, Ўртаариқ, Намуна, Офтобачек, Мадярчек, Қорақалпоқ, Ватанпарвар, Кўтармачек, Қипчоқ, Узункўча, Ганжиравон, Сарой-1, Сарой-2, Иттифоқ каби 16 та маҳаллани қамраб олган.**

## МАҲАЛЛАЛАР ТИНЧ

Пандемия даврида сектор штаби ишчи гуруҳи томонидан аҳоли хонадонлари яна бир маротаба айланиб чиқилди. Ушбу жараёнда 211 та оиланинг ёрдамга муҳтожлиги, 936 нафар кишининг доимий иш ўрнига эга эмаслиги аниқланди.

Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, кам таъминланган оилаларга пул маблағи




кўринишида моддий ёрдам кўрсатилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. Айрим оилаларга эса қўй, эчки, қуён ва уй паррандалари олиб берилди. Шунингдек, ёрдамга муҳтож оилаларга бепул кўмир тарқатилди. Ишсиз фуқароларнинг аксар қисми саноат корхоналари, қурилиш мажмуалари, ҳунармандлик шохобчаларига ишга жойлаштирилди ёки жамоат ишларига жалб этилди.

Сектор штабига Офтобачек, Мадярчек, Катта оқтепа, Сарой-1, Сарой-2 ва Оқтепа маҳаллалари аҳлидан қишлоқ йўлларини шағал билан қоплаш



масаласи бўйича мурожаатлар келиб тушди. Бу муаммо ўрганиб чиқилди ва икки ой ичида умумий узунлиги қарийб 6 минг метрни ташкил қилувчи йўлларга шағал тўкилди.

Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, ҳудуддаги маҳаллалар юзлаб видеокузатув камералари билан таъминланган. Кузатув камералари нафақат кўчаларда, аҳоли гавжум жойларда, балки кўп қаватли уйларнинг йўлакларига ҳам ўрнатилган. Бу йўналишдаги ишлар давом эттириляпти.

Ҳар бир профилактика инспектори муқаддам судланган шахслар, жиноят содир этишга мойиллиги бўлган фуқаролар, гиёҳвандлар ва ичкиликбозликка ружу қўйган шахсларга оид маълумотлар базасидан фойдаланиш имконини берадиган махсус дастур юкланган смартфонлар билан таъминланган жойларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Баҳодир НУРМАТОВ,**
**майор.**

**Қўшсаҳифа материалларини Андижон вилояти бўйича мухбиримиз Борис КЛЕЙМАН тайёрлади.**

### МОЛОДЕЖЬ

**В дежурную часть Андижанского РОВД поступило сообщение о краже оградительных решеток, установленных на автодороге Андижан–Асака, проходящей по территории Андижанского района.**

## «ЖИВАЯ» РАБОТА

Сотрудники оперативно-следственной группы установили, что злоумышленники украли более 150 метров решетки, разделяющей дорогу на две полосы, стоимостью порядка 56 миллионов сумов. Днем ранее ограда была демонтирована, рабочие дорожной службы не успели вывезти ее на склад, чем и воспользовались воры.

Вскоре оперативникам удалось их вычислить и задержать. Злоумышленниками оказались трое жителей Андижанского района. В их отношении было возбуждено уголовное дело в соответствии с пунктами «б» и «в» части второй статьи 169 Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

Следствие по делу вел молодой следователь следственного отдела при Андижанском РОВД лейтенант Музаффар Ибрагимов.

– Было установлено, что подозреваемые продали оградительные решетки фермеру, занимающемуся разведением крупного рогатого скота, за 6 миллионов сумов, – рассказал он. – Вина подследственных была полностью доказана. Следствие по делу окончено и передано на рассмотрение суда по уголовным делам.

Музаффар Ибрагимов – выпускник Академии МВД Республики Узбекистан. По роду деятельности ему приходится расследовать уголовные дела, связанные с дорожно-транс-



портными происшествиями, кражами, фактами мошенничества, нанесением различных телесных повреждений.

– Служба следователя – работа «живая», интересная, – говорит лейтенант М. Ибрагимов, – и не только в больших городах. Несмотря на колоссальную нагрузку, когда не хватает времени даже на сон, вижу в ней одни плюсы.

**Алишер МУРОДАЛИЕВ,**
**капитан.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ – ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ




**Азим аждодларимизнинг асрий армонлари, эркин ҳаёт, фаровон жамият ва адолатли давлат барпо этишдек энг эзгу тилаклари ва улуғ орзуларини ўзида мужассам этган Бош қомусимиз барча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, жумладан, ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, унда кафолатланган инсоннинг кундалик ҳаётдаги энг муҳим эҳтиёжлари – яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи, турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи, виждон ва сўз эркинлигини самарали таъминлаш ички ишлар органлари зиммасидаги устувор вазифалардир.**

**Конституциянинг 11-моддасига** асосан, давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади. Ички ишлар органлари ҳокимиятнинг ижро этувчи органи, яъни Вазирлар Маҳкамаси таркибида бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш каби вазифаларни бажаради.

2016 йил 16 сентябрда «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши муносабати билан ички ишлар органларининг ваколатлари, мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ва шартларининг қонун даражасидаги ҳуқуқий асоси вужудга келди. Маълумки, ҳар қандай қонуннинг аҳамияти у орқали тартибга солинадиган муносабатларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни билан белгиланади. Сўнгги тўрт йилда мамлакатимизда ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш, уларнинг қуйи бўғинларини аҳолига янада яқинлаштирган ҳолда мустаҳкамлаш, барча даражадаги тузилмаларнинг вазифалари ва функцияларини аниқ белгилаш, замонавий хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда, куч ва воситаларни оқилона тақсимлашга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

**Конституциянинг 13-моддасига** биноан, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Мазкур тамойил ҳеч бир истисносиз барча шахсларга нисбатан татбиқ этилади. Хусусан, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, улар билан аниқ манзилли профилактик ишларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

ИИВ ҲПББ Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг ижро этилишини назорат қилиш бошқармаси ва унинг худудий бўлинмалари негизида вазирликнинг Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузуридаги Пробация хизмати ва тегишлича унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиши натижасида маҳкумларнинг ҳуқуқларига риоя этиш, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, уларни келгусида жамиятга ижтимоий мослаштириш учун ахлоқан тарбиялаш ва меҳнатга ўргатишнинг ягона, шаффоф ва самарали механизмлари жорий этилди.

> «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди»
> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 43-модда.

**Конституциянинг 35-моддасида** ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Ички ишлар органлари тизимида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизими тубдан такомиллаштирилди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ички ишлар органларининг биринчи раҳбарлари ҳузурида ўтказиладиган тезкор йиғилишларда танқидий муҳокама қилиниб, ушбу соҳадаги камчиликлар ва салбий ҳолатларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Бунинг натижасида одамларимиз фикр ва қарашларида ички ишлар органлари фаолияти бўйича ижобий тенденция кузатилмоқда.



Тизимдаги раҳбарларнинг мамлакатимиз барча ҳудудларида аҳоли билан сайёр қабуллар ўтказаётгани халқ билан мулоқотнинг ноёб тизими – фуқароларнинг ички ишлар органлари мансабдор шахслари билан тўғридан-тўғри муносабат ўрнатиш имконини берди. Бу эса ички ишлар органларининг халқ орасида обрўйи ошишига хизмат қилмоқда.

**Конституциянинг 42-моддасига** асосан, ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади. Фан-техника имкониятларини янада кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда фаннинг аҳамиятини ошириш, муҳим тадқиқотлар ва инновация жараёнларини кенгайтириш ҳозирги куннинг кечиктириб бўлмас вазифаларидан бири саналади. Шу боис бугунги кунда ички ишлар органлари фаолиятига инновацион модел ва лойиҳалар кенг жорий этилмоқда. Хусусан, «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз пойтахт», «Хавфсиз туризмни таъминлаш», «Хавфсиз маҳалла», «Хавфсиз хонадон» каби ўзига хос янгича концепциялар ҳаётга жорий этилмоқда. Тизимдаги қайси соҳага инновацион модел ва лойиҳалар татбиқ этилса, шу ерда улкан ижобий натижаларга эришилмоқда. Биргина мисол тариқасида, Йўл ҳаракати хавфсизлигини ишончли ва кафолатли таъминлаш мақсадида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини фото-видео фиксация қилишнинг автоматлаштирилган тизими инвестициявий лойиҳаси татбиқ этилиши натижасида йўл-транспорт ҳодисаларининг кескин камайишига эришилди.



**Конституциянинг 43-моддасида** «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди», деб белгилаб қўйилган. Давлатимиз раҳбари Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида «Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси, десак, айни ҳақиқат бўлади», деб таъкидлади.

Аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш масаласи ҳозирги даврда айниқса долзарб аҳамият касб этмоқда. Зотан, фаровон ҳаётнинг бош манбаи ҳам, барқарор тараққиётнинг асосий омили ҳам тинчлик ва осойишталикдир. Осойишталик мазмунан фуқароларнинг ўзаро аҳил ва тинч ҳаёт кечиришини, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкам ҳимоя қилинадиган ва тўла таъминланадиган ҳолатни англатади.

**Конституциянинг 121-моддасида** қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкинлиги белгилаб қўйилган. Ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни жамоатчиликнинг, жумладан, жамоат ташкилотларининг кўмаги, ҳамкорлигисиз самарали ташкил этиб бўлмайди. Ушбу ҳамкорлик объектив зарурат бўлиши билан бирга, бошқарув субъектлари томонидан ташкил этиладиган ва тартибга солинадиган тизимли фаолият ҳисобланади. Зеро, тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам, аҳоли орасида ички ишлар органларининг обрўси ва мавқеини кўтариш, кенг жамоатчилик билан алоқасини мустаҳкамлаш орқали, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдан иборатдир.

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, «эришилаётган натижалар билан хотиржамликка берилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, ҳали олдимизда қилинадиган ишлар кўп». Зотан, ички ишлар органларини янги Ўзбекистонга муносиб бўлган, мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни, осойишталикни ҳамда қонун устуворлигини ишончли таъминлайдиган, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини кафолатлайдиган, халқ манфаатларига хизмат қилишга йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш мақсадида бошланган ишларни ниҳоясига етказиш долзарб аҳамият касб этади.

**Баҳром САИДОВ,**
**ИИВ Академияси**
**Илмий кенгаши котиби,**
**юридик фанлар доктори, доцент.**

ТРЕТИЙ СЕКТОР

# ПОМОЩЬ ЛЮДЯМ ДОЛЖНА БЫТЬ ПРИОРИТЕТНОЙ ЗАДАЧЕЙ

**Время показало, что третий сектор – один из действенных методов решения проблем, взаимодействия региональных руководителей с населением, серьезного изучения вопросов, которые волнуют людей. И это неплохо. Примечательно, что представители руководства, выезжая на встречи с населением, создают благоприятные условия для того, чтобы люди могли обращаться со своими проблемами к тем, кто имеет полномочия и возможность решить их на месте конкретно, реально. Это также способствует формированию у людей доверия к полномочным властям, чтобы граждане чувствовали поддержку и не оставались один на один со своими проблемами.**





**Навоийская область.** В Карманинском районе, по инициативе руководителя третьего сектора по Навоийской области, был проведен выездной прием, в ходе которого принимались обращения по вопросам женщин, молодежи, социального характера. Махлиё Мамакабулова, которая также пришла в этот день со своей проблемой, обратилась к руководителю третьего сектора по вопросу открытия собственного бизнеса. В нынешнем году девушка окончила школу и намерена заняться частным предпринимательством, а для этого ей необходимы определенные средства и место для реализации намеченных целей. Руководители внимательно выслушали планы девушки и оказали конкретное содействие в их реализации. Тридцать обращений, поступивших от прибывших на прием граждан, касались проблем обеспечения жильем, светом, газом, питьевой водой, были связаны с трудоустройством, получением льготных кредитов и т.д. То, что значительная часть обращений в этот день нашла свое решение, говорит о том, что подобного рода мероприятия не проводятся ради «галочки», а нацелены на облегчение проблем населения. Жителей ряда махаллей взволновало то, что дети ходили в школу по грязи. Обращение взяли на заметку. Более одного километра внутренних дорог выровняли с помощью специальной автомобильной техники, сегодня идет работа по укладке верхнего слоя.

Кроме того, в центре внимания находились семьи, которые вписаны в «железную книгу», нуждающиеся в источнике дохода, не имеющие работу. К примеру, 19-летняя Бургуль Халилова из-за болезни матери не могла решить проблему с трудоустройством. По инициативе руководителя третьего сектора семье выделили кур и во дворе дома построили теплицу, где девушка запланировала сажать зелень и реализовывать ее на местном рынке.

Хотелось бы отметить, что в результате выездного приема для нескольких граждан реально открылись возможности для решения волнующих их проблем, для начала собственного дела.

**Бухарская область.** Ведение «железной книги», «женской книги», «молодежной книги» способствует оказанию конкретной адресной помощи разным слоям населения. В целях выявления лиц, которым необходима поддержка, по инициативе руководителя третьего сектора Бухарского района Бухарской области организуются различного рода мероприятия. На днях третьим сектором совместно с районным хокимиятом и жителями махаллинских сходов граждан «Янгиабад», «Кулонхона», «Кунжи калъа», «Зарманок», под девизом: «Новый Узбекистан – новое мировоззрение», во дворце торжеств «Сарбон» было организовано мероприятие, на которое пригласили малообеспеченные семьи, представителей заинтересованных государственных и общественных организаций, а также известных деятелей культуры и искусства. Перед началом мероприятия на территории дворца организована ярмарка сельскохозяйственных товаров, а также образцов продукции местных ремесленников. Кроме того, участвовавшие в ярмарке более 30 бюджетных организаций и свыше 20 организаций частного сектора предложили 400 вакантных рабочих мест. Средняя заработная плата предлагаемых вакансий составляла от 780 тысяч до 1 миллиона 200 тысяч сумов. В этот день более 20 человек были трудоустроены. В связи с этим, предприняты меры вывода данных лиц с учета «железной книги». А коммерческими банками предложены 15-процентные льготные кредиты до 30 миллионов сумов, сроком на три года.

При содействии сектора, центр поддержки занятости населения, объединение «Хунарманд» и фонд по поддержке махалли и семьи оказали 22 жителям помощь в обучении. Начато строительство теплиц для десяти семей, на основе государственных субсидий, на их приусадебных участках. Для пяти мальчиков из четырех малообеспеченных семей, благодаря спонсорам, были организованы суннат-туйи. Пяти нуждающимся жителям подарили инвалидные коляски.



**Сырдарьинская область.** Созданный сегодня новый механизм поддержки населения способствует решению вопросов на месте, предупреждает трату времени на хождение по инстанциям с обращениями. Так, сектор отреагировал на проблему жительницы махалли Тараккиёт города Гулистана Сайёры Имамкуловой, не оставив без внимания ее обращение к руководителю третьего сектора. В доме требовался ремонт. Представители сектора помогли решить многие бытовые проблемы: вставили стекла в окна, отремонтировали дом, подарили постельные принадлежности, поменяли кран.



Руководитель третьего сектора в ходе своей деятельности не оставляет без должного внимания образовательные учреждения, которые находятся на вверенной ему территории. К примеру, в 10-й средней школе Акалтынского района за многие годы накопилось множество проблем, за решение которых взялись сотрудники органов внутренних дел. В первую очередь, здесь удалось решить проблемы, связанные с подачей электроэнергии, водоснабжения. В школе полностью восстановили освещение, поменяли пришедшие в негодность лампы, решили вопрос с отопительной системой. Учитывая



проблемы с газоснабжением, создали запас угля для того, чтобы дети учились в тепле. Сотрудники, наряду с решением бытовых вопросов в школе, взяли под контроль некоторые организационные вопросы. Помимо этого, стражи порядка подарили школьникам более ста книг, спортивный инвентарь, мячи, шашки, шахматы.

**Азиза ЖАНИЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# ОСНОВНОЙ ЗАКОН – ФУНДАМЕНТ ПРОГРЕССА

**«Долг каждого из нас – чтить Конституцию, всесторонне изучать и следовать ей, прививать молодежи глубокое уважение к великому гуманистическому наследию наших предков и общечеловеческим ценностям, на которых базируется Основной Закон страны».**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ.**

**Двадцать восемь лет назад, 8 декабря 1992 года, историческая одиннадцатая сессия парламента приняла Основной Закон нашей страны. Этот стратегический документ определил путь независимого развития Узбекистана – построение демократического правового государства и открытого гражданского общества.**

**Сегодня, на новом этапе развития Узбекистана, перед нами стоят серьезные и важные задачи. Как отмечает глава государства, «предстоит еще немало сделать для дальнейшего повышения уровня и качества жизни нашего народа, реального обеспечения прав и интересов человека». С учетом этого была принята Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах.**

В последние годы в Узбекистане большое значение придается совершенствованию правового статуса и деятельности национальных институтов по правам человека, предпринимаются коренные меры в сфере обеспечения свобод и законных интересов граждан. Результат – улучшение показателей в мировых рейтингах. В частности, в марте 2020 года Международная организация гражданского общества World Justice Project опубликовала отчет по индексу Верховенства закона–2020. Узбекистан в общем рейтинге поднялся до 92-й позиции. Это говорит о том, что реформы, проводимые в стране в последние годы, дают свои плоды, а значит, крепнет фундамент, на котором строится наше государство.

Демократия и законность неотделимы. Законы выступают как организующая и дисциплинирующая людей сила, олицетворение в праве необходимого в обществе порядка, как судья, как арбитр, как выражение справедливости, гуманности, здравого смысла. Но для того, чтобы они работали в полную силу, необходимо повышать уровень политико-правовой культуры наших граждан. Ведь только просвещенный, духовно-нравственный человек, обладающий широким спектром личных, политических, социальных, экономических, культурных прав и свобод, может активно участвовать в жизни страны, творчески реализовывать себя, не посягая при этом на права и свободы других людей.

В этом направлении было принято постановление Президента Республики Узбекистан от 13 декабря 2019 г. «О дополнительных мерах по обеспечению верховенства Конституции и закона, усилению общественного контроля в данном направлении, а также повышению правовой культуры в обществе». Утверждена специальная Программа мер, призванная, в том числе, усилить работу по повышению правосознания и уровня правовой культуры в обществе.

Одним из оснований фундамента прогресса, к которому стремится наше государство, безусловно, является воплощение на практике закрепленной в Конституции нормы: «Государство выражает волю народа, служит его интересам. Государственные органы и должностные лица ответственны перед обществом и гражданами» (ст. 2). В данном направлении принимается множество законов и подзаконных актов, обеспечивающих исполнение задач, определенных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан.

Однако предстоит еще многое сделать для полного утверждения в обществе основополагающего принципа: «Не народ должен служить государственным органам, а государственные органы должны служить народу». Ведь ежегодно в Виртуальную и Народные приемные Президента Республики Узбекистан поступает свыше 1 миллиона обращений граждан, что свидетельствует о необходимости продолжения диалога с народом на новом уровне. Целью создания народных приемных является противодействие бюрократическим препонам. Налажена работа выездных приемных для проведения встреч должностных лиц с гражданами. Такой метод работы позволяет руководителям узнавать о проблемах простых людей и решать их непосредственно на местах.

Огромную работу в данном направлении проводят органы внутренних дел республики. Они стали истинными помощниками населения. Благодаря обращениям граждан в рабочие группы третьего сектора уже решены и продолжают разрешаться многие проблемы, жители городов и сел почувствовали заботу и поддержку. В будни и праздники, во время тяжелых испытаний стражи порядка всегда находятся рядом с народом.

Сегодня сама жизнь подтверждает, насколько верны заложенные в основу Конституции принципы и положения. Основной Закон страны в равной мере касается каждого, независимо от должности, профессии, национальности, вероисповедания. Это фундамент, на котором строится огромное, светлое, демократическое, устремленное в будущее государство, созданное для людей, обеспечивающее их счастливую и спокойную жизнь.

**Каринэ ДЖАВАКОВА,**
**профессор,**
**полковник.**
**Динара ШАМУХАМЕДОВА,**
**корреспондент «На посту».**



## 8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

# ТОТУВЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК – ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

**Бугун юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 та диний конфессия вакиллари ҳамжиҳатликда, бир оила фарзандларидек аҳил яшаб, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.**



**Рустамбек ҚУРБОНОВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси.**

Мустақиллик арафасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун сиёсий, иқтисодий вазиятни изга солиш билан бирга, миллатлараро муносабатларнинг барқарор тизимини яратиш, одамларда эртанги кунга ишонч, бир-бирига нисбатан аҳил-иноқлик, оқибат туйғусини уйғотиш зарур эди. Бу борада биринчи навбатда Ватанимизда яшаётган турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, унинг қонуний асосларини яратишга жиддий эътибор қаратилди.

Мустақиллигимизнинг илк даврида қабул қилинган Конституциямиз шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг кафолатларини аниқ-равшан белгилаб берди. Хусусан, барча миллат ҳамда элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарининг ҳурмат қилиниши таъминланиши, уларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилиши белгилаб қўйилган. Бинобарин, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ҳамда эркинликларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар.

Ҳозир юртимизда 144 та миллий маданий марказ фаолият кўрсатяпти. Улар мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа миллатлар қадриятларини асраб-авайлаш, урф-одат ва анъаналари бардавомлигини таъминлаш баробарида, ёшларимизни ўзга элатлар маданиятини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, турли миллат вакилларига муносиб шароитлар яратишга мунтазам аҳамият бериб келинади.

Ўзбекистон Конституциясида фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги муҳрланган. Жумладан, унинг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади» деб белгилаб қўйилган. «Ўзбекистон халқи» тушунчаси эса мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Ана шундай оқилона сиёсат натижасида мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатга мансуб фуқаролар жамиятимиз ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётида фаол иштирок этиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, давлатимизнинг буюк келажагини таъминлаш йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Улар Ўзбекистонни ўз Ватани, тақдирларини Ўзбекистон тақдири билан туташ, миллий маданиятлари ривожини Ўзбекистон тараққиётининг узвий қисми деб билмоқда.




Истиқлолнинг илк йилларида давлатимизда ишлаб чиқилган миллий сиёсат асосини турли миллатга мансуб фуқароларимизнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, ўқиш ва ишлашлари учун тенг имконият ва шароитлар яратиш ташкил этади. Бу сиёсат барча қонунларимизда ўз ифодасини топган. Хусусан, Конституциямизнинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади» дейилган.

Республикамизда таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан ташқари, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида ҳам олиб борилади. Бундан ташқари, кўпгина маданият марказларида якшанба мактаблари очилган. Уларда она тили ва давлат тили, урф-одат ва анъаналар, маданият ва санъат ўрганилади. Бундай машғулотлар халқ таълими бўлимлари билан келишган ҳолда, умумтаълим мактабларида ёки марказларнинг ўзида якшанба кунлари ташкил қилинади. Бугунги кунда корейс маданият марказлари Ассоциацияси, рус, арман, яҳудий, поляк, грек, грузин, хитой, татар ва бошқа марказларда ана шундай мактаблар муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Шунингдек, газета ва журналларнинг турли тилларда чоп этилаётгани, махсус радио эшиттиришларнинг эфирга таралаётгани, Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси орқали мамлакатимиз халқлари тилларидаги кўрсатувларнинг мунтазам равишда намойиш этилиши, албатта, давлатимиз миллий сиёсати инсонийликка, демократияга асосланганининг ёрқин ифодасидир.

Қўмитамиз томонидан умумхалқ байрамларига бағишланган концертлар ва театрлаштирилган томошалар қатори, миллий маданий марказлар билан бирга, турли хил маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб турилади. Улар орасида конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, концертлар, кўргазмалар, анъанавий миллий байрамлар бор. Жумладан, русларнинг «Масленица», болгарларнинг «Мартиница», арманларнинг гуллар байрами – «Вардавар», полякларнинг ҳосил байрами – «Дожинки», корейсларнинг «Овол Тано», татар ва бошқирдларнинг «Сабантуй», грекларнинг «Охи» сингари байрамлари мунтазам нишонланиб келмоқда.

Давлатимиз миллий сиёсатининг амалдаги исботини кўпмиллатли халқимиз бошига тушган оғир синов – карантин даврида мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг янада жипслашиб, бир-бирларига қўлдан келганича ёрдам берганида кўриш мумкин. Республикамизда фаолият олиб бораётган уйғур, тожик, қирғиз, рус, немис, поляк, қозоқ ва бошқа миллий-маданий марказлар томонидан «Саховат ва кўмак умумхалқ ҳаракати» доирасида пандемия туфайли моддий ва маънавий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган ҳамюртларимизга ҳомийлик қилиниб, пул, озиқ-овқат, рўзғор буюмларидан иборат ёрдам кўрсатиб борилди.

Қрим-татар халқининг атоқли фарзанди, Украина Қаҳрамони, Қрим давлат индустриал-педагогика институти ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Февзи Ёқубов шундай деб ёзади: «Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳақида гапирганда, одатда Юнонистон ва Италиянинг фанга, Англия ва Францияннинг маданиятга, Германия ва Американинг техникага, Япония ва Швециянинг технологияга қўшган ҳиссаси тилга олинади. Агар бу рўйхатни давом эттириб, эзгулик, тинчлик, яқинларга меҳр-муҳаббат туйғулари борасида гапирадиган бўлсак, албатта, биринчи қаторга Ўзбекистонни ёзиш зарур. Агар бу бебаҳо инсоний қадриятлар масаласида халқлар ва мамлакатларга баҳо бериладиган бўлса, шубҳасиз, энг юксак баҳога ўзбек халқи ва Ўзбекистон сазовор бўлар эди».

Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Асосий қонунида мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради.

Мухтасар айтганда, инсоният учун энг катта бойлик тинчликдир, унинг манбаи эса ҳамжиҳатлик. Ўзаро тотувлик ва дўстлик, бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллари барқарор гўшадагина инсон эмин-эркин яшайди, ҳар қандай орзусига эришади.



**Сафдор Жаксилик БАЙМУРАТОВ,**
**Навоий вилояти Томди тумани ИИБ таъминлаш бўлинмалари ҳайдовчи-ходими:**

*– Ҳар йили 8 декабрь мен учун қўшалоқ байрам бўлади. Шу куни ҳам таваллуд айёмимни, ҳам Асосий қонунимиз қабул қилинган санани нишонлайман. Бош қомусимиз мен учун шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларимни кафолатловчи муқаддас ҳужжатдир. Айни пайтда бу ҳужжат менга элу юрт олдидаги бурч ва мажбуриятларимни ҳам эслатиб туради. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган, олий қадрият ҳисобланган Ўзбекистондай диёрда яшаётганимдан, шу мамлакатнинг фуқароси эканлигимдан фахрланаман.*

# ЎЙИНЧОҚДАН ЎТ ЧИҚМАСИН

**Ҳар сафар Янги йил байрами яқинлашгани сайин ёқимсиз бир ҳолат авж олади. Кўчаларда, ён-веримизда «пақилдоқлар» гумбур-гумбури бошланади. Бу «ўйинчоқ»ни ўйнаётганлар аксарият ҳолларда болалар бўлса-да, ёши катталар, ота-оналарнинг хурсанд ҳолда пақиллатиб юриши аянчлидир.**



Пиротехника воситалари тез ёнадиган моддалардан тайёрлангани учун улар ёнғин чиқиш хавфи юқори бўлган буюмлар ҳисобланади. Бундай маҳсулотларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, республикага олиб киришга қарши курашиш борасида ҳуқуқ-тартибот органлари қатори божхона органлари томонидан кескин чоралар қўлланмоқда.

Шу ўринда мисолларга тўхталадиган бўлсак, 2020 йил 20 ноябрь куни Ўзбекистон фуқароси У.К. бошқарувидаги «Isuzu» русумли автоулов тўхтатиб текширилганда, 303 миллион сўмлик, 6 хилдаги 315 минг 417 дона пиротехника воситалари олиб кетилаётгани маълум бўлди.

Жорий йилнинг 27 октябрь куни Пахтакор тумани ҳудудида ўтказилган тезкор тадбир давомида Ўзбекистон фуқароси Ш.Ш. бошқарувидаги «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси кўздан кечирилганда, 100 миллион сўмлик 120 минг донадан ортиқ пиротехника маҳсулотлари аниқланган.

Республикамизда пиротехника воситаларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, республикага олиб киришнинг олдини олиш борасида қатъий чоралар белгиланган. Агар пиротехника воситаларининг портлаши одамлар ўлимига ва бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, жавобгарга саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазо қўлланиладиган жиноят ҳисобланади. Бозорлар, савдо комплекслари ва корхоналарнинг раҳбарлари эса ўз ҳудудида пиротехника воситалари савдоси ва сақланиши ҳолатларига йўл қўйганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Энг ёмони, кимлардир уларнинг орқасидан чўнтагини қаппайтираётган, мўмай даромад топаётган бўлса, «пақилдоқлар» таъсирида қайсидир хонадон қайғуга ботяпти, кимнингдир уйида ёнғин содир бўляпти. Кимнинг кўзи кўр бўлган, яна бировнинг бармоқлари узилган. Бехосдан оёғи остида портлаган «пақилдоқ» натижасида кимнингдир юраги хуруж қилган.

Тиббиёт ходимларининг таъкидлашича, «пақилдоқ»нинг бехосдан қаттиқ портлаши юрак-қон томир тизимига ўта салбий таъсир кўрсатади. Пиротехника воситалари шовқинидан қаттиқ қўрқиш оқибатида руҳий бузилиш, эшитишнинг ёмонлашиши, сурункали асаб ва қон томир тизими касалликлари, қандли диабет, ҳомилага зиён етиши ва бошқа касалликларга чалиниш мумкин. Кутилмаганда яқин масофада пиротехниканинг портлашидан инсон баротравма ва акустик жароҳатлар олиб, бир умрга кар ёки қулоқ шанғиллаш касаллигига йўлиқади.

Пиротехникалар етказаётган моддий ва маънавий зарар ҳақида тарғибот-ташвиқот тадбирлари олиб борилаётган бўлса-да, кўчаларда у портлаяпти, фарзандларимизда «пақилдоқ»ларга ўчлик, иштиёқмандлик ошиб бормоқда. Бунга, бир томондан, баъзи уддабуронларнинг мўмай даромад илинжида турли йўллар билан тақиқланган маҳсулотларни олиб келаётгани сабаб бўлаётган бўлса, бошқа томондан, айрим ота-оналар, ёши катталарнинг «тарбиясизлиги» ҳам асосий омил бўлмоқда. «Қуш уясида кўрганини қилади», деганларидек, ота фарзанди хурсандчилиги учун пиротехника воситаси сотиб олиб берса, у билан кўчада ёш боладек уни ўйнаса... Шундай экан, бу масалада ҳам ўзимиз фарзандларимизга тўғри маънода ўрнак бўлишимиз, тарбиясида янгишмаслигимиз даркор. Зеро, Мирзо Бедил айтганидек, «Аввал ғиштни қийшиқ қўяркан меъмор, Осмонга етса ҳам қийшиқдир девор.

**Ҳабибулла АЗИЗОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг маслаҳатчиси.**

# МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР БЕРАДИ

Жорий йилнинг 22 ноябрь куни Қашқадарё вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони ходимлари белгиланган йўналишлар бўйлаб хизмат ўташ жараёнида пиротехника маҳсулотларини ўзида сақлаб юрган 2 нафар шахсни аниқлашди.

Жумладан, батальон 2-отряди бўлинма командири, катта сержант Х.Қодиров ва 1-отряд сафдор ходими Қ.Хўжаёров «Ерқўрғон» деҳқон бозори ҳудудида олиб борган хизмат фаолияти давомида ҳаракатлари шубҳали фуқарони тўхтатишди. Нотаниш фуқаронинг бежо хатти-ҳаракатлари бежиз эмас экан.

Фуқаро Қарши шаҳар ИИОФМБ 4-сонли ИИБга олиб келинганида, шаҳарнинг «Беклар» МФЙда яшовчи фуқаро Ж.Ш. ёнидаги қора рангли пакетда Хитойда ишлаб чиқарилган 20 қути, жами 1200 дона «Трения» номли пиротехника маҳсулотлари борлиги аниқланди.

**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Қашқадарё вилояти.*

* * *

Жорий йилнинг 3 ноябрь куни вилоят ИИБ ҳамда вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган навбатдаги тезкор тадбир давомида урганчлик А. Шоҳнурбек шаҳар ҳудудида ўзига тегишли бўлган сумка ичида 1700 дона «Британик», 2 дона «7 SHOT», 1 дона «Волк» номли пиротехника воситаларини олиб юрганлиги аниқланди.

Шунингдек, шу йилнинг 26 ноябрь куни қўшкўпирлик Д. Ўринбой ҳамда Б. Сардорбеклар Урганч шаҳридаги «Сим-сим» мини маркети ёнида шубҳали шахс сифатида тўхтатилганида уларга тегишли бўлган «Swissgear» ёзувли сумка ичида ҳеч қандай ҳужжатсиз 6000 дона «Британик» ёзувли пиротехника воситалари борлиги аниқланди ва белгиланган тартибда ҳужжатлаштириб олинди.

– Ўтказилаётган тадбирлар давомида пиротехника воситаларини сотиш, сақлаш ҳамда ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган 8 та ҳолат аниқланди, – дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ катта инспектори, лейтенант Музаффар Рахмонов. – Қонунбузарларга нисбатан белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, қонуний чоралар кўрилмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Хоразм вилояти.*

* * *

Жиззах шаҳрининг Жиззахлик маҳалласи ҳудудида Шароф Рашидов тумани «Тошкентлик» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, 1998 йилда туғилган Ҳ.М.ни тўхтатиб, текширишганида унинг спорт сумкасида кучли овоз чиқарувчи 10 минг 525 дона пиротехника воситаси ҳамда 1 дона салют борлиги маълум бўлди. У пиротехника воситаларини сотиш мақсадида сақлаётганлигини билдирган.

Жиззах шаҳрининг Халқобод маҳалласида яшовчи, 2003 йилда туғилган Э.Ш. ҳам пиротехника воситалари ишқибози бўлиб чиқди. Вилоят марказидаги «Эски шаҳар» бозорида унинг спорт сумкасидан 2400 дона кучли овоз чиқарувчи пиротехника воситаси топилди. У ҳам бу воситаларни сотиб, фойда қилмоқчи бўлган.

Барча пиротехника воситалари ҳужжатлаштириб олиниб, ҳолатлар юзасидан суриштирув ўтказилмоқда.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Жиззах вилояти.*

ИБРАТ

# КАСБИДАН ҚАДР ТОПГАН ЙИГИТ

*Инсон қайси соҳада меҳнат қилмасин, касбини севса, уни ардоқласа, албатта, бахтга эришади. Фаолияти давомида амалга оширган эзгу ва хайрли ишлари туфайли халқ эътиборида бўлади. Ана шундай эл назаридаги инсонлардан бири сержант Ҳусниддин Адизовдир. Айни пайтда у ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари Бухоро халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш алоҳида батальони 2-қўриқлаш взводи 1-қўриқлаш гуруҳининг командири лавозимида хизмат қилиб келмоқда.*



**Суратда:** *сержант Ҳ. Адизов (ўртада) ҳамкасблари билан.*

Дарахт бир жойга кўкарганидек, сержант Ҳ. Адизов ҳам мана, ўн тўққиз йилдирки, бир жойда ишлаб, кам бўлмади. Шу ерда обрў-эътибор топди, иззат-икром кўрди. Шогирдлар ҳурматига сазовор бўлди. Касб сир-асрорларини ўргатган истеъфодаги катта сержант Нодир Файзуллаев ва катта сержант Ҳаёт Ражабовдек устозларидан бир умр миннатдор бўлиб, кичик сержантлар Саидназар Ҳақназаров, Зокир Саидов ҳамда сержант Ўктам Очилов сингари ўнлаб шогирдлари борлигидан фахрланиб юради.

– Ҳарбий хизматчиларга касб сирларини ўргатишда сержант Ҳусниддин Адизов бошқалардан ажралиб туради. У устоз-шогирд анъаналарини муносиб давом эттириб, ёшларнинг касбий малакасини оширишга катта ҳисса қўшиб келмоқда, – дейди қисм командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, майор Шерзод Ниёзов. – Айниқса, унинг пандемия ва карантин давридаги хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Барча тадбирларда фаол бўлган Ҳ.Адизов вилоятнинг ҳаво дарвозаси бўлмиш халқаро аэропорт хавфсизлигини таъминлаш йўлида хизмат вазифаларини сидқидилдан ўтаб келмоқда.

Сарҳадлар дахлсизлиги, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида қилинган ҳар қандай хизмат эътиборсиз қолмайди. Дарҳақиқат, сержант Ҳусниддин Адизовнинг намунали хизмати муносиб баҳоланди. Президентимиз фармонига биноан, у «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан тақдирланди.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Бухоро вилояти.*

МЕЖДУНАРОДНЫЕ СВЯЗИ

# ГРАНИ СОТРУДНИЧЕСТВА



**В Академии МВД Узбекистана осуществляется целенаправленная деятельность по углублению сотрудничества с высшими учебными заведениями зарубежных стран в сфере науки и образования, предпринимаются эффективные меры по развитию межвузовского взаимодействия.**



Недавно в рамках достигнутых договоренностей между Академией МВД Республики Узбекистан и Волгоградской академией МВД Российской Федерации для курсантов, обучающихся по специальности «Экспертно-криминалистическая деятельность», было организовано онлайн-занятие на тему: «Современные технико-криминалистические средства работы со следами рук». К проведению занятия с российской стороны были привлечены опытные преподаватели кафедры криминалистической техники Волгоградской академии. В ходе занятия курсанты ознакомились с методиками работы со следами рук, используемыми в Российской Федерации, применением информационных технологий при обработке данных.

По завершении занятия состоялся плодотворный обмен мнениями между профессорско-преподавательским составом кафедры криминалистических экспертиз Академии МВД Узбекистана и их волгоградскими коллегами. Обсуждены вопросы дальнейшего совершенствования системы и содержания подготовки экспертов-криминалистов для ОВД, проведения онлайн-занятия для курсантов Волгоградской академии МВД РФ, разработки совместного учебного пособия по криминалистической технике, обмена публикациями.



Кроме того, 26 ноября представители кафедры криминалистических экспертиз Академии МВД республики приняли участие в научно-практической конференции «Криминалистические чтения на Алтае», проходившей в онлайн-формате под эгидой еще одного партнера вуза – Барнаульского юридического института МВД России. Заслушаны и обсуждены доклады по актуальным вопросам, касающимся организации эффективного взаимодействия отраслевых служб ОВД в ходе раскрытия и расследования преступлений, криминалистической методики расследования преступлений, совершенных с использованием средств сотовой связи и сети интернет, особенностей исследования следов производственных механизмов и т.д.

По итогам видеоконференции запланировано издание сборника, в который будут включены выступления ее участников, а также сформулированные выводы и рекомендации.

Деятельность в рамках международного сотрудничества продолжается.

**Анвар ХУСАНОВ,**
**подполковник.**

# Конституция в моей судьбе

**8 декабря – важная дата в жизни нашего государства и его граждан. День Конституции широко отмечается по всей стране. А для тех, кто 8 декабря отмечает день рождения, – это двойной праздник.**

Старший инспектор профилактики ОП № 210 ОВД № 4 УКД ОВД г. Нукуса майор Фаридун Алеуов – один из таких счастливчиков.

– Я родился в 1987 году в Нукусе, второй ребенок в семье, а вообще нас четверо. Когда родители думали, какое мне дать имя, бабушка, Аймереке опа, предложила назвать меня Фаридуном. Говорят, что в древности жил царь с таким именем, он справедливо правил страной. Отец с матерью – педагоги, их дети пошли по их стопам, кроме меня. На выбор моей профессии оказали большое влияние родные дяди. Утемуратовы Маман и Султан много лет прослужили в органах внутренних дел. Я всегда восхищался ими, решил стать стражем порядка и поступил в Академию МВД Республики Узбекистан.



Отучившись в Академии МВД с 2008 по 2012 годы, Ф. Алеуов стал служить инспектором по делам несовершеннолетних Берунийского РОВД. С 2015 года – и по сей день он инспектор профилактики в отделе профилактики преступлений в УКД ОВД г. Нукуса. Территория его ответственности – МСГ «Туран» и «Кўк ўзак». Махаллинцы уважают его за то, что он поддерживает порядок и спокойствие, проводит большую работу по профилактике правонарушений и преступлений, примирению скандальных семей, совместно с активистами МСГ разрешает проблемы населения.

К примеру, жительница МСГ «Кўк ўзак» Б. обратилась в сход граждан и заявила, что ее муж пристрастился к алкоголю и семья находится на грани развода. Выяснилось, что ее супруг К., работал бухгалтером в фирме. Как только он стал хорошо зарабатывать, пристрастился к алкоголю, что и явилось причиной ссор.

В ходе профилактической беседы было установлено, что мужчине необходимо принудительное лечение. При содействии инспектора профилактики, он был госпитализирован в наркологический диспансер. Спустя два-три месяца, после завершения курса лечения, гражданин К. вместе с женой пришли в МСГ, чтобы выразить огромную благодарность за оказанную семье помощь.

Еще один пример. Однажды внимание майора Ф. Алеуова привлек мужчина, шедший рано утром по дороге в МСГ «Туран» с большим пакетом. Страж порядка решил остановить его. Интуиция не подвела: оказалось, что в пакете неизвестный нес краденые вещи. Преступление было раскрыто по горячим следам.

Фаридун Алеуов не только один из самых активных сотрудников, но и примерный семьянин. Вместе с женой, Айнурой Утеулиевой, воспитывают троих детей.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**
**корреспондент «Postda».**
*Республика Каракалпакстан.*

МУЛОҲАЗА

# АДАШЛАРНИ АДАШТИРГАНДА...

*Йўлакча деворига илинган «Фарзандларингиз ижодидан» деган ёзувга кўзим тушди-ю, дарров қизиқиб қарадим. Жавон устига гуллар, ҳайвонларнинг расмлари, рангли қоғозлардан қирқиб елимланган шакллар, аппликациялар, пластилиндан ясалган ўйинчоқлар тартиб билан териб чиқилган. Болажонларнинг мурғак тасаввури маҳсули бўлган ушбу ўйинчоқлар кишининг диққатини тортади.*

*«Ижод маҳсуллари» орасида ўғлимнинг ҳам ишлари бормикан, дея қизиқишим ортди. Ҳа, айтгандек, унинг исми Шоҳрух. Шу исмни излай бошладим. Аммо кетма-кет Шоҳрух. Ш, Шоҳрух. Ж. ёзувлари турарди. Боғча опа ажабланганимни сезди чоғи, «Шоҳрух. Ш.ни кўринг, гуруҳимизда иккита Шоҳрух бор. Ишларини фамилиясининг бош ҳарфи билан белгилаб қўйганмиз», деди. Ёнимдаги учта она ҳам боласининг чизган расмини кўриш илинжида ҳамма ишларни бир-бир қўлдан ўтказарди. Чунки уларнинг ўғиллари ҳам адаш экан, яъни бир гуруҳда учта Имрон.*




Шоҳрух. Ш... Демак, ўғлимни шундай чақиришар экан. Аввалига тарбиячидан бироз ранжидим. Ўғлимни бундай ғалати аташлари, тўғриси, менга малол келди. Ўйлаб қарасам, ҳамма айб ўзимизда экан. Тўғри-да, гуруҳдаги ўн беш боланинг иккитаси Шоҳрух, учтаси Имрон, яна иккитаси Мубина, Имона бўлса, улар қандай ҳам атасин? Ахир боғча боласини фамилияси билан ёки «фалончиевич» деб чақириш ярашмас?!

Сўнгги пайтларда биз оталоналар оиламизга келган янги «меҳмон»га исм танлашда ҳам бироз «замонавийлашиб» кетдик. Аввало шуни унутмаслик керакки, ота-онанинг бурчларидан бири фарзандига чиройли исм қўйишдир. Исм танлаш учун ҳам, эътибор ва укув керак. Токи, фарзанд камолга етганда ўз исмидан уялмасин, орланмасин, хижолат тортмасин... Аммо чиройли исм экан, деб унинг «русум» бўлишига ҳам йўл қўймаслигимиз лозим. Ҳозир кўча-кўйда, тўй-маъракa, таълим муассасаларию ишхоналарда Имрон, Шоҳжаҳон, Шоҳрух, Шаҳриёр, Мубина, Муслима, Имона деган исмларни ниҳоятда кўп учратамиз. Бугун кўчага чиқиб, Имрон ёки Шоҳрух деб чақиринг, ўн кишидан учтаси «лаббай» дейиши тайин.

Яқинда бир қизиқ маълумотни ўқиб қолдим. Хитойда ҳар етти миллион одамнинг фамилияси бир хил экан. Майлида, бунга салкам 1,5 миллиард аҳолиси бор Хитойда 200 хил фамилия мавжудлиги сабаб қилиб кўрсатилган. Шу ўринда савол туғилади: бизда ҳам исмлар танқисми? Ёки бошқа исмлар шунчалик маъносизми? Йўқ, албатта. Агар масалага чуқурроқ ёндашиб, таҳлил этадиган бўлсак, «Ўзбек исмлари» номли китобнинг ўзида ўттиз мингдан зиёд исм маъноси билан берилган. Нахотки, шунча исм ичидан фарзандимизга муносибини топиш мушкул бўлса?!

Баъзан обрўли, машҳур инсонларга ўхшасин, дея уларнинг исмини фарзандимизга қўямиз. Албатта, эзгу ният яхши. Аммо исми бир хил бўлгани билан фарзандингиз ҳам шу даражага етиб қолмайди-ку!

Бир дугонам қизига Оқилахон деб исм қўйибди. Шунда дўстларимиздан бири «Сал замонавийроқ исм танламабсиз-да, масалан, ҳозир Иман исми «модада», деб қолди. Исмлар мазмунини таҳлил қилиб кўрдим: Оқилахон «ақлли, фаҳм-фаросатли, доно» деган маънони англатади. Хўш, Иманнинг маъноси нима деб, ўша дугонамдан сўрадим, у эса «Қайдан билай?» дея елка учирди. Энг ачинарлиси, орамизда кўп нарсага билиббилмай, кўр-кўрона эргашадиганлар кўп...

Яқинда бир ҳамкасбимиз набирасига катта бобосининг исмини яъни, Жўрабек деб қўймоқчи бўлганида келини қаршилик қилганини айтиб, бироз ранжигандек бўлди. Назаримда, баъзи ёш ота-оналаримиз дунёга келган гўдакка муносиб исм қўйишга нафақат ота-она, балки бобо ва момоларимиз ҳам ҳақли эканликлари миллий анъана ва қадриятларимиз қаторига сингиб кетганлигини унутишган кўринади.

Шу ўринда яна бир жиҳат эътиборга молик деб ўйлайман. Баъзан фарзандларимизни хорижий исмлар билан атаймиз. Бундан бир неча йил аввал «Икки тақдир» номли ҳинд сериали телеэкранларимизда намойиш этилганидан сўнг Самир исми русум бўлгани, ҳатто Салим исмли йигитларимиз ўз исмларини Самирга ўзгартиргани, жажжи Самирларнинг кўпайиб кетгани ҳеч биримизга сир эмас. Ёки Мексиканинг «Камила» телесериалидан кейин Камола исмли қизларимиз ўзларини Камила деб атагани-чи?..

Кўча-кўйда бола етаклаган бирор танишимизни кўриб қолсак, салом-аликдан сўнг, албатта, болакай ёки қизалоққа эътибор қаратиб, «Бу ширинтойнинг исми нима экан?» деймиз. Агар улар эгизак бўлса, қай бири Ҳасан ё Ҳусан ёки Фотима-Зуҳра эканлигини сўраймиз. Аммо бугун Яратганнинг инъоми – ўз исми билан туғилган чақалоқларни бошқа «оҳангдор» номлар билан атаётганлар ҳам бор. Бу ҳам «замонавийлик»нинг бир кўриниши сифатида тобора ҳаётимизга сингиб бормоқда. Бу ўткинчи шов-шувга ўчлигимиз, қолаверса, миллийлигимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимизга ҳурматсизлик ёки кўр-кўрона беписандлик белгиси эмасмикин?!

Ота-она ўз фарзандига исм танлашда исмнинг мазмунан гўзал, шаклан чиройли бўлишига эътибор қаратса, орзу-умидлари, фарзандига бўлган меҳрмуҳаббати, эзгу мақсадларини мужассамлаштирса, айни муддао бўларди. Шундагина адашларни адаштирмасмидик. Ахир, жаннатмонанд юртимизда истаган нарсамиз муҳайё бўлгани сингари, исмлар ҳам танқис эмас-ку?!

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА.**

ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИДА

# МАШҚДА ҚИЙИН БЎЛСА...

**Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳамкорликдаги бўлинмалар билан уйғунликда ҳаракатланишига эришиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Яқинда ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли 7532-ҳарбий қисмда (Навоий шаҳри) Навоий вилояти ИИБ, 4,5,11-сон жазони ижро этиш колониялари ходимлари, Тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди ва Миллий гвардия ҳарбий қисми билан ҳамкорликда тактик машғулотлар ўтказилди. Машғулотлар «Ноқонуний қуролланган ташкилотлар томонидан содир этилган қуролли ҳужумни қайтариш ҳамда юзага келиши мумкин бўлган гуруҳли бўйсунмаслик ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиш» мавзусига бағишланди.

Машғулотларнинг биринчи кунида ноқонуний қуролланган ташкилотлар томонидан ҳарбий шаҳарчаларга содир этилиши мумкин бўлган ҳужумни қайтариш бўйича шахсий таркибнинг билими ва амалий кўникмалари синовдан ўтказилди.

Машғулотларнинг иккинчи кунида содир этилиши мумкин бўлган гуруҳли бўйсунмасликлар ва оммавий тартибсизликларни тўхтатиш ҳамда бартараф этиш бўйича шахсий таркибнинг ҳамкор органлар ходимлари билан уйғунликда ҳаракатланишлари бўйича ишлар амалга оширилди. Тактик машғулотлар мобайнида ҳарбий хизматчилар олдиларига қўйилган жанговар вазифаларни уюшқоқлик билан тўла-тўкис бажардилар ва ўзларининг юксак касбий билим ҳамда кўникмаларга эга эканликларини намойиш этдилар. Бу каби амалий машғулотлар шахсий таркибнинг зиммасига юклатилган вазифаларни тўлақонли бажаришда муҳим омил саналади. Яъни, машқда қийин бўлса, хизматда осон бўлади.

**Эркин ИСРОИЛОВ,**
**кичик сержант.**



Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 52-модда.**



# НИҲОЛ

## ёшлар саҳифаси



### ХАЙР, БОЛАЛИК

*Бузиб тунниг оромин*
*Чароғон тонг отмоқда.*
*Қуёш очиб кўзини,*
*Ой уйқуга ётмоқда.*

*Очилмоқда умримда*
*Мутлақ янги саҳифа.*
*Турли ўйлар чулғайди*
*Дақиқама-дақиқа.*

*Эшик қоқмоқда бу дам*
*Ёшлик аталмиш йиллар.*
*Катта ҳаёт бошланди,*
*Ҳаяжон тўла диллар.*

*Кутиб олибман, мана,*
*Ўн саккиз бор кузимни.*
*Болалик ўтиб кетди*
*Шамғалатиб кўзимни.*

*Наҳот, энди шўхлик ёт,*
*Қилиб бўлмас хархаша?!*
*Энди битта гап такрор:*
*«Иш қил, ёшга яраша!».*

*Кўча чангитиб энди*
*Чопиб бўлмас йўлларда.*
*Хаёлда ҳам имтиҳон,*
*Даста китоб қўлларда.*

*Хайр энди, болалик,*
*Мангу қолдинг дилимда.*
*Энди сен-ла бўларман*
*Фақат ўй-хаёлимда.*

**Бобур ФАЙЗУЛЛОЕВ,**
**ИИВ Навоий академик лицейи 3-босқич ўқувчиси.**

# ЭКСКУРСИОННЫЙ ТУР

**В рамках проводимого Месячника молодежи, на днях был организован экскурсионный тур для учащихся специализированной школы-интерната при МВД Республики Узбекистан. Цель мероприятия – воспитание подрастающего поколения в духе патриотизма, повышение имиджа сотрудников органов внутренних дел.**



Экскурсия началась с музея УБДД ГУВД столицы. Юные гости узнали о том, какими были первые: Правила дорожного движения, приборы для измерения скорости, техническое оборудование, нагрудные знаки сотрудников, дипломы и награды.

Затем ребята направились в Главное управление внутренних дел г. Ташкента. Почтив память героев, погибших при исполнении служебных обязанностей, они побывали в Управлении по обеспечению безопасного туризма, где узнали о целях и задачах данного подразделения. В беседе с сотрудниками юные гости подчеркнули, что главным направлением их обучения является туризм, поэтому они углубленно изучают иностранные языки. Дети ознакомились с работой отделов, понаблюдали за служебным процессом.

Гостям показали подготовленные пресс-службой ГУВД г. Ташкента видеоролики и сюжеты, рассказывающие о деятельности подразделения. Сотрудники управления вручили им памятные подарки и сувениры.



**Соб.корр.**
**Фото Фархода ПУЛАТОВА, Хусана КАСИМОВА.**



### БАЙРАМИНГ МУБОРАК

*Киндик қоним томган,*
*гўзал бўстоним.*
*Сен билан ўтади*
*менинг ҳар оним.*
*Сен учун доимо*
*фидодир жоним,*
*Эй, она Ватаним,*
*ота маконим.*
*Энди сен озодсан,*
*ҳур гулистоним,*
*Байраминг муборак,*
*Ўзбекистоним.*

*Жонин фидо қилган*
*сенга чўпонинг,*
*Чунки у севарди*
*ўсган юртини.*
*Додин бермак учун*
*аҳамонийнинг,*
*Сенга қурбон қилган*
*қулоқ-бурнини.*
*Биз сени севамиз,*
*гўзал маконим,*
*Байраминг муборак,*
*Ўзбекистоним.*

*Юртим, қутлуғ бўлсин*
*гўзал айёминг,*
*Энди сен ҳам, биз ҳам*
*озодмиз доим.*
*Байрамга улансин*
*яна байраминг,*
*Улуғдан улуғим –*
*топинган жойим.*
*Мен туғилиб ўсган*
*сўлим маконим,*
*Байраминг муборак,*
*Ўзбекистоним.*

*Киндик қоним томган,*
*гўзал бўстоним.*
*Сен билан ўтади*
*менинг ҳар оним.*
*Сен учун доимо*
*фидодир жоним,*
*Эй, она Ватаним,*
*ота маконим.*
*Энди сен озодсан,*
*ҳур гулистоним,*
*Байраминг муборак,*
*Ўзбекистоним.*

**Зафаржон ХОЛМЎМИНОВ,**
**ИИВ Жиззах академик лицейи ўқувчиси.**

# БУЮК ЮРТНИНГ БАХТЛИ ФАРЗАНДИМАН



**Озодлик ғоясининг битикномаси бўлмиш Бош қомусимиз қабул қилинганига ҳам 28 йил тўлмоқда. Ҳар йили 8 декабрь адолат офтоби чарақлаган кун сифатида катта шодиёна билан нишонланади. Бахту иқболимиз ва саодатли ҳаётимиз асоси, нурли келажагимиз кафолати бўлган Конституциямизда халқимизнинг фаровон турмуши, ҳақ-ҳуқуқларимиз, мустақил диёримиз тараққиёти мукаммал акс этган.**

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч-осуда, фаровон ҳаётини таъминлашнинг муҳим асоси бўлган Асосий қонунимиз бизнинг манфаатларимизга тўлиқ хизмат қилади. Бинобарин, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, аҳоли, айниқса, ёшлар онгу шуурида Ватанга садоқат, қонунларимизга ҳурмат туйғусини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилаётган учрашув, давра суҳбати, очиқ мулоқот ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар юксак самаралар бермоқда.

Мен ҳам Ватанимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор натижасида кўрик-танловларда қатнашиш, фахрли ўринларни қўлга киритиш, энг асосийси, ана шу беллашувлар туфайли билимларини ошириш бахтига муяссар бўлган ёшлардан бириман. Ички ишлар вазирлиги ихтисослаштирилган мактаб-интернатида ўқишим мобайнида биз, ёшлар учун яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда, бир қатор ютуқларга эришиб келмоқдаман.

Жумладан, жорий йилнинг октябрь ойида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 31 йиллиги муносабати билан «Ўзлигимиз тимсоли – она тилим» мавзусида ўтказилган иншолар танловида фахрли 3-ўринни эгалладим.

Бу каби ютуқларимиз замирида, албатта, Бош қомусимиздаги ҳуқуқий мезонлар, юртимизнинг тинч-осойишталиги ва Президентимизнинг ёшлар истиқболини кўзлаб шакллантирган устувор дастурлари ҳамда ғамхўрлиги мужассамдир. Шундай экан, Конституциямиз ва қонунларимизда кафолатланган ҳуқуқлардан ҳар биримиз ўз ўрнида фойдалана олсак, ҳамиша, ҳар ерда ҳуқуқларимиз таъминланишига тўлиқ эришамиз.



**Шохруз ҲАМИДУЛЛАЕВ,**
**ИИВ ихтисослаштирилган мактаб-интернати 9-синф ўқувчиси.**

# ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

## ВСТРЕЧА ТРЕХ ПОКОЛЕНИЙ



В рамках работы по воспитанию молодежи в военно-патриотическом духе представители Специализированного учебного центра Национальной гвардии организовали для учащихся школы № 170 Яшнабадского района столицы «Встречу трех поколений».

Ветеран Вооруженных Сил Узбекистана полковник ВВС в отставке Александр Николаевич Харламов рассказал школьникам о профессии, которой посвятил многие годы жизни. Он отметил, что ученики должны максимально использовать возможности, которые созданы в нашей стране для молодежи.

Офицеры Специализированного учебного центра Нацгвардии разъяснили детям суть реформирования Вооруженных Сил, правила приема в школы «Темурбеклар мактаби», Военно-технический институт, ответили на многочисленные вопросы.

Завершилось мероприятие показательными выступлениями военнослужащих по рукопашному бою. В исполнении Отдельного образцового военного оркестра Национальной гвардии и артистов прозвучали патриотические песни.





## ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

Управление международного сотрудничества Национальной гвардии реализует целенаправленные меры по обеспечению в условиях пандемии взаимовыгодного взаимодействия с зарубежными партнерами.

В частности, 20 ноября в Управлении состоялась рабочая встреча с военным атташе при Посольстве Российской Федерации в Республике Узбекистан полковником А. Земзеровым.

В ходе мероприятия начальник Управления полковник Н. Муинова подчеркнула заинтересованность Национальной гвардии Узбекистана в укреплении эффективного сотрудничества с Вооруженными Силами России.

В свою очередь, военный атташе при Посольстве Российской Федерации полковник А. Земзеров выразил готовность поддерживать плодотворное двустороннее взаимодействие.

В ходе беседы стороны обсудили перспективные направления сотрудничества. По итогам встречи была достигнута договоренность о реализации намеченных мероприятий и проведении регулярных рабочих встреч.

## ЗДОРОВАЯ СЕМЬЯ – ДОСТОЯНИЕ ОБЩЕСТВА

По инициативе командования Национальной гвардии Республики Узбекистан совместно с областными подразделениями Министерства здравоохранения во всех городах, областях и районах республики проводится медицинское обследование членов семей военнослужащих.

Так, в Сурхандарьинской области был организован углубленный медицинский осмотр военнослужащих Национальной гвардии, членов их семей, а также близких родственников. В ходе проведенного обследования были даны соответствующие рекомендации. Внимание уделялось занятиям физкультурой и спортом, соблюдению требований санитарии и гигиены, ведения здорового образа жизни и правильному питанию.





## ВОСПИТАНИЕ ПАТРИОТИЗМА

Руководство и курсанты ВТИ Национальной гвардии провели встречу с учащимися и преподавателями общеобразовательной школы № 224 Алмазарского района г. Ташкента.

Первый заместитель начальника института майор М. Миракулов отметил, что осуществляемые в нашей стране реформы направлены на широкое вовлечение молодежи в процесс политических, социально-экономических преобразований. Были затронуты вопросы защиты подрастающего поколения от чуждой идеологии, формирование в них патриотизма и самоотверженности.

Учащиеся получили от руководства института ответы на все интересующие их вопросы.






## ДОБРО ОБЯЗАТЕЛЬНО ВЕРНЕТСЯ!

Военнослужащие Управления Национальной гвардии по Сырдарьинской области, руководствуясь лучшими побуждениями, участвуют в донорской акции по сдаче крови, проходящей под девизом: «Добро обязательно вернется!».

Они верят, что капли жизни, собранные для пациентов, проходящих лечение в научно-практических центрах онкологии и гематологии, помогут им побороть болезнь.

## НЕ ДОВЕРЯЙТЕ МОШЕННИКАМ!

В последнее время участились сообщения о фактах мошенничества с пластиковыми картами граждан.

Так, 23 ноября, примерно в 21.45, 39-летнему жителю Юнусабадского района столицы А.К. позвонил неизвестный. Он сообщил, что увидел на одном из сайтов его объявление о продаже детской мебели и намерен ее приобрести, а деньги за покупку переведет на пластиковую карту. Заполучив код от пластиковой карты А.К., мошенник снял с нее 44 282 340 сумов.




Приняты меры по установлению личности и задержанию злоумышленника. Органами внутренних дел ведется следствие.

Уважаемые сограждане, не сообщайте посторонним лицам информацию о своей пластиковой карте. Будьте бдительны, не позволяйте мошенникам пользоваться вашим доверием!

**Материалы полосы подготовила Нозима МАХМУДОВА, лейтенант.**

ЖИНОЯТ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТИ

**Яқинда ижтимоий тармоқлардан бирида ака бемор укасига ўз буйракларидан бирини бергани ҳақидаги хабарни ўқиб қолдим. У укасини дарддан фориғ қилиб, ҳаётга қайтарибди. Бир-бири учун жон олиб, жон беришга тайёр, орият учун курашадиган бундай оға-инилар ҳақида сиз ҳам эшитгандирсиз. Афсуски, сўнгги пайтларда меҳр-оқибат тимсоли бўлган бундай қондошлар камайиб бораётгандек. Мол-мулк учун юз кўрмас бўлиб кетаётган, бир-бировига фириб бераётган, ҳатто арзимаган сабаб билан униси бунисига тиғ кўтараётган ака-укаларни ҳам кўриб турибмиз.**

**Таҳлилларга кўра, бундай келишмовчиликларнинг маълум қисми ичкиликбозлик оқибати келиб чиқмоқда. Спиртли ичимлик таъсирида аҳил-иноқ қариндошлар ҳам бир зумда ёвга айланмоқда. Бир қориндан талашиб тушган жигарлар бир-бировини бўралатиб сўккан, муштлашган, ҳатто жонига қасд қилган... Бу каби ҳолатларни кўриб, ачинишдан, афсус дейишдан ўзга чора йўқ.**

# ҚОНДОШЛАР ИНҚИРОЗИ

Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида яшовчи, биргина номаъқулчилиги учун жазо олиб, ҳозирда тўрт девор ичида ўтирган Нурбек (исм-шарифлар ўзгартирилди) ҳам бугун қилмишидан минг пушаймон бўлаётган бўлса, не ажаб. Қанийди, вақт ортга қайтса-ю, қондош жигари тирик бўлса. Қилган хатоларини тузатса, яқинларининг кўзига тик қарай олса...

Беш-олтита тухум, мева-чева, ширинликлар солинган целлофан халтани кўтарганча дўкондан қайтаётган Нурбек уйи яқинида укаси Ҳалимжон ва қўшниси Ботирга рўбарў келди.

– Ассалому алайкум, ака! Қаердан келяпсиз? Нима ҳаракат? – дея сўради Ҳалимжон Нурбекнинг қўлидагиларга ишора қилиб.

– Бугун туғилган куним. Шунга...

– Ие, табриклайман. Унда битта ош сиздан экан-да, ака.

– Нурбек ака, табриклайман. Зиёфат қачон энди? – деди Ботир ҳам гапга қўшилиб.

– Тушликда, – деди Нурбек қўлидаги халтани кўрсатиб, – уйга келинглар...

Нурбекнинг уйида туғилган кун баҳона зиёфат авжига чиқди. Бир соатлар вақт ўтиб, Ботир кетишга чоғланди.

– Борасан-да, ўша уйингга, биров орқалаб кетармиди уни? – деди Нурбек Ботирни қолишга ундаб.

– Нурбек ака, кеч бўлиб қолди. Мол-ҳолдан хабар олай. Болаларга ишонч йўқ.

– Ҳа, майли, ўзинг биласан. Унда ишларингни тиндириб яна кел.

– Яхши, уйга ўтайин-чи...

Ботир чиқиб кетгач, зиёфат яна давом этди. Спиртли ичимлик тугаганда ака-укаларнинг кайфи анча ошиб қолганди. Бу пайтда иккиси ҳам бир-бировига гал бермай гапирар, ниманингдир устида тортишар, ўн йил олдинги воқеани эслаб кулишарди. Соат кечки тўққизларга яқин иккисини ҳам уйқу элита бошлади.

...Бир маҳал Ҳалимжон кўзини очиб, ён-верига қаради. Қаерда эканлигини тусмоллади. Кейин қийшайганча кўзи илинган Нурбекни бир-икки туртди:

– Ака, ҳов ака! Ботир ака қани?

– Қанақа Ботир?! Сен... сен кимсан ўзи, нега мени уряпсан? – Нурбек важоҳат билан Ҳалимжонга ҳезланди. «Ака, ака, сизга нима бўлди» дейишига қарамасдан, у билан олишиб кетди. Мастлик оқибатида ақл-ҳушидан айрилган Нурбек олдида душмани тургандек укасига кетма-кет мушт тушира бошлади. Ҳалимжон ўзини ҳимоялаганча акасини ўзига келтириш учун бир-икки жавоб қайтарди. Шу маҳал Нурбек сўкиниб гандираклаганча айвонга чиқиб кетди. Кўп ўтмай қайтиб келиб, қўлидаги нарсани Ҳалимжоннинг қорни ва кўкрагига бир неча марта тиқиб олди. Ҳалимжон жонҳолатда ундан узоқлашиб, акасининг ҳовлиси билан ёндош ўзининг уйига қараб қочди. Нурбек эса ғудранганча орқада қолди...

*«Соат 20:30ларда турмуш ўртоғимнинг «Назира» деб бақирганини эшитиб, ҳовлига чиққанимда, у киши 20 метр узоқликдаги ёнғоқ дарахтининг тагида турган экан. «Келинг, уйга киринг» деганимда у бир қўли билан қорнини ушлаб «Ўзинг тез ёнимга кел, акам урди», деди. Югуриб олдига бордим. Кийимлари қон эканини кўриб қўрқиб кетдим. «Нурбек акам қорнимга қандайдир ўткир нарсани икки-уч марта тиқиб олди», деди. Турмуш ўртоғимни уйга олиб кириб, «Ҳозир «тез ёрдам» чақираман» деб айтдим, аммо у унамади. «Керак эмас, «тез ёрдам» чақирсанг, улар милицияга хабар қилади. Шарманда бўламиз, ҳали қизларимизни турмушга беришимиз керак, одамлар ўзининг акаси билан судлашиб юрибди, деган гап қилади» деб айтди. «Бу гап ҳеч қаерга чиқмасин. Бекмуродни акамнинг уйига юбор. Яна акам хавотирланиб ўтирмасин. Дадам яхши, милицияга ҳам, шифохонага ҳам бормайди, деб айтсин» деб тайинлади.»* (Марҳум Ҳалимжон Қаршиевнинг тумуш ўртоғи Назира Қаршиеванинг суддаги кўрсатмасидан.)

Боши оғриб у ёқ-бу ёққа ўтиб юрган Нурбек эшик олдидаги кўзгуга разм солди. Бир қовоғи шилинганини, бурни бироз қонаганини кўриб, сўкинди. Шу маҳал «Ота, уйдамисиз» (Самарқанд вилоятининг айрим туманларида даданинг акасини ота дейишади) деб Ҳалимжоннинг ўғли Бекмурод кириб келди.

– Ҳа, нима гап, ўғлим?

– Ота, дадам сизни хавотир олмасин, ички ишларга ҳам, шифохонага ҳам бормас экан. Ҳеч қаерга шикоят қилмас экан, деб айтди.

– Нима...

Бекмурод чиқиб кетгач, Нурбек яна кўзгуга қаради. «Тушунмадим. Юзимни дабдала қилган у бўлса, кечирим сўраш ўрнига хавотир олманг, ҳеч қаерга шикоят қилмайман деб ўғлини юборибдими?» Нурбек шу тобда укасига нима қилиб қўйганини хаёлига ҳам келтирмас, қайтанга ўзини жабрланган ҳис қиларди.

Ҳалимжон ўзи ўлим билан олишиб ётса-да, акасининг қилмишини овоза қилгиси келмади. Ориятни ҳаммасидан устун билди. Тонггача бир ухлаб, бир уйғониб, қорин соҳаси оғриғига чидаб ётаверди.

Эртасига унча узоқ бўлмаган уйда яшовчи яна бир акаси Ҳалимжонни йўқлаб келди.

*«Ҳалимжон уйида бир аҳволда ўтирган экан. Қорнида учта, юрагининг устида иккита санчиб кесилган жароҳатни кўриб қўрқиб кетдим. «Нима қилди сенга» деб сўрагандим, «Кеча Нурбек акам билан уйида жанжаллашиб қолгандик, ниманидир тиқиб олди», деди. Ундан «Шифохонага бормадингми?» деб сўрадим. Укам «Йўқ, борсам ички ишларга хабар қилишади, сўнг Нурбек акамга муаммо бўлади. Ўзимиз шарманда бўламиз. Унчалик чуқур кирмаган, ҳеч нарса бўлмайди», деб мени тинчлантирди. У ердан чиқдим ва Нурбекнинг уйига кириб унга қилган иши учун танбеҳ бермоқчи бўлдим. Лекин шу вақт қўшни қишлоқда яшовчи икки таниш киши келиб қолди. Улар билан суҳбатлашиб турганимда, Нурбек чиқиб келди»* (Марҳум Ҳалимжон Қаршиевнинг акаси Совурбой Қаршиевнинг суддаги кўрсатмасидан).

Уйида қурилиш ишларида ишлаган икки устанинг акаси Совурбой билан гаплашиб турганини кўрган Нурбек салом бериб, уларга яқинлашди. Истар-истамас акаси билан ҳам кўришди.

– Юзингизга нима қилди? – сўради усталардан бири Нурбекнинг қовоқларига ишора қилганча.

– Дарахт кесаётган вақтимда болта тегиб кетди, – деди Нурбек кўзини акасидан олиб қочиб.

Ака уканинг ёлғон гапираётганини билса-да, ҳеч нарса демади. На танбеҳ берди, на оғир аҳволдаги бошқа укасини қутқариш чорасини кўрди. Катта ака бўлиб муроса қилиш ўрнига, бамайлихотир экинларини суғориш учун кетди.

Ўша куни кечга бориб, Ҳалимжоннинг соғлиғи ёмонлашди. Оғриқ жондан ўтиб кетгандан кейин шифохонага боришга рози бўлди. Лекин энди кеч эди. Шифокорлар қанча ҳаракат қилишмасин, унинг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Бир оила боқувчисидан, икки бўйи етган қиз отасидан айрилди.

Судда Нурбек барча қилмишларини, мастлик оқибатида укасининг қотилига айланганини тан олди. Келини, жиянлари, барча қариндошларидан кечирим сўради. Минг-минг пушаймон бўлди. Лекин булардан энди бирон наф бормикин?

Вақти келиб жазони ўтаб, озодликка чиқар. Ўшанда жигарлари, қондошларининг кўзига қандай қарайди? «Укасининг қотили» деган тавқи лаънатдан қутула олармикин? Айтмоқчи бўлганларимиздан хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола.

**Абубакр БОЛТАЕВ,**
**майор.**
**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Самарқанд вилояти.*



УЧЕНИЕ

# ПОВЫШАЕТСЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ МАСТЕРСТВО СОТРУДНИКОВ



**На основании соответствующих приказов МВД Республики Узбекистан в Шаватском районе Хорезмской области проведено тактико-специальное учение.**






**Статья 52**

**Защита Республики Узбекистан – долг каждого гражданина Республики Узбекистан. Граждане обязаны нести военную или альтернативную службу в порядке, установленном законом.**

В мероприятии приняли участие личный состав УВД области, военнослужащие Национальной гвардии, Северо-западного военного округа, сотрудники Управления по чрезвычайным ситуациям, а также представители общественности.





По итогам тактико-специального учения боеготовность задействованных подразделений была оценена как «готовы к выполнению оперативных и служебно-боевых задач».

– За истекший период нынешнего года проведено 37 совместных специально-тактических учений и проверок боевой готовности подразделений по предупреждению и ликвидации чрезвычайных ситуаций, массовых беспорядков, возможных диверсионных и террористических актов, а также по задержанию вооруженных преступников, – говорит главный инспектор военно-мобилизационного отдела УВД области подполковник Темур Ортиков. – В ходе учений налажено эффективное взаимодействие с иными правоохранительными органами и силовыми структурами. Кроме того, в Ургенчском и Кушкупырском районах проведены комплексные проверки состояния гражданской защиты. Подобные мероприятия имеют важное значение в деле повышения боевой готовности и профессионального мастерства сотрудников органов внутренних дел.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**корреспондент «Postda».**

***На снимках:*** *моменты тактико-специального учения.*

**Фото Иззатбека РУЗМЕТОВА.**

*Хорезмская область.*

БЕЗОПАСНОСТЬ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ

# Водители, будьте бдительны и взаимно вежливы!



**Нынешняя зима преподнесла нам сюрприз в виде ранних аномальных морозов и обильного снегопада. О том, что ожидаются резкое похолодание и снег, нас заблаговременно предупреждали синоптики, но для водителей автотранспорта и сотрудников безопасности дорожного движения гололед и заснеженность дорог стали настоящим испытанием на выдержку, бдительность и степень реагирования.**

Первый заместитель начальника УБДД ГУВД г. Ташкента подполковник Кудрат Юлдашев прокомментировал сложившуюся ситуацию:

– К резкому похолоданию, снегопаду и обледенению на столичных дорогах и трассах наше подразделение стало готовиться заблаговременно. Совместно со службами благоустройства столицы мы взяли обстановку под строгий контроль. Особое внимание уделяется эстакадам, дорогам, проходящим под мостами, то есть подъемам и спускам. Главное управление благоустройства города Ташкента выделило снегоуборочную спецтехнику, которую распределили по одиннадцати районам столицы. Благодаря слаженным действиям сотрудников безопасности дорожного движения и работников коммунального хозяйства удалось, что называется, выровнять ситуацию, не допустив повышенной аварийности. К счастью, обошлось без крупных ДТП и, соответственно, пострадавших и жертв, как со стороны водителей, так и пешеходов. Тем не менее, обледенение на сложных участках дорог вызвало пробки, некоторые автомобили снесло на обочину, в результате чего движение автопотока сильно замедлилось. На таких участках была срочно организована работа регулировщиков в усиленном режиме, и спустя некоторое время проблемы были устранены.



Самоотверженная и профессиональная работа стражей порядка была замечена гражданами, и вскоре в соцсетях появились благодарные отзывы в адрес сотрудников, которые, невзирая на крепкий мороз, снегопад и нервозную обстановку, уверенно выполняли служебные обязанности.

Холода и гололед помогли выявить сложные участки столичных дорог, на которых в первую очередь следует обращать внимание при резком похолодании и снегопадах, необходимо усиливать там посты.

В первые дни нагрянувших холодов никто не остался без внимания – патрульные автомобили ДПС беспрерывно курсировали по городу, помогая водителям, оказавшимся в трудной ситуации.

Пользуясь предоставленной возможностью, хочу обратиться к водителям и пешеходам: не теряйте бдительности и внимательности в условиях гололеда и заснеженности, строго соблюдайте скоростной режим, будьте взаимно вежливы. Соблюдая ПДД, поддерживая техническую исправность своих транспортных средств, помогая участникам дорожного движения, вы создаете тем самым хороший задел на будущую безопасность в пути.

**Записал Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**

МИННАТДОРЛИК

**Ноябрь ойида ёққан биринчи қор пойтахтимиз аҳолисини бироз хавотирга солди. Кўчада 6 даража совуқ. Ер усти музлаган. Ҳайдовчилар автомашинасини эҳтиёткорлик билан бошқаришмоқда.**

# БОРИНГИЗГА ШУКУР, ФИДОЙИ ЙИГИТЛАР!

Меҳмонларимиз ҳам айни шу куни Хоразмга қайтишлари керак. Соат кечки 21:00 да поезд жўнайди. Ҳомиладор келинимиз, саксондан ошган онахонимизни етаклаб бекатга чиқдик, аммо йўлдан ўтаётган бирорта автомашина тўхтамайди. Тўхтаса ҳам, «Жанубий вокзалга», дейишимиз билан ҳайдовчининг ҳайрати ошиб, «Йўғ-е опажон, кўраяпсиз-ку аҳволни», дея музлаган йўлдан сирпана-сирпана биздан йироқлашади. Бир пайт узоқдан йўл-патруль хизмати автомашинасининг милтиллаётган маёғи кўринди. Жон-жаҳдимиз билан унга тўхташ ишорасини бердик. Автомашина тўхташи билан унга яқинлашдик.



Патруль-пост хизмати инспекторлари сўзларимизни диққат билан тинглагач, узр сўраб, хизмат ваколатидан четга чиқолмаслигини айтишди. Биз бир соатдан бери йўлда турганимизни, шу вақт ичида бирорта автомашина тўхтамаганини шоша-пиша тушунтира бошладик. Улар совуқда титраб турган ҳомиладор келинимиз, онахонимизни кўриб, рози бўлишди. Хуллас, об-ҳавонинг шундай совуқ ва ёғин-сочинли пайтида ҳамда поезд жўнашига оз фурсат қолганида улар бизни ўз вақтида, соғ-саломат манзилимизга элтиб қўйишди.

Фурсатдан фойдаланиб, мушкулимизни осон қилган Тошкент шаҳар ИИББ ППХ бригадаси 1-батальон 2-отряд сафдор ходимлари – Дилшод Толипов ҳамда Тоҳир Зиёдуллаевларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз. Халқ дарди билан яшаётган шундай меҳрибон, қатъиятли, ватанпарвар йигитларни тарбиялаган ота-оналарига ҳамда улар хизмат қилаётган ички ишлар органлари раҳбариятига чин қалбимиздан раҳмат айтамиз.

Зеро, бу йигитлар нафақат юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини сақлашда, балки фавқулодда вазиятларда ҳам фуқаролардан ўз ёрдамини аямайдиган фидойи инсонлар эканлигини намоён этишди. Ана шундай мард ва жасур, халқпарвар ўғлонларимиз доимо бор бўлсин!

**Муҳаббат ХЎЖАМУРОТОВА,**
**Тошкент шаҳри.**

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

# МЕВАЛАР СУЛТОНИ



**Анор куз мавсумининг энг севимли меваларидан бири ҳисобланади. Табиатда унинг 10 дан ортиқ тури учрайди, улар бир-биридан ранги, таъмига кўра фарқланади. Ўзбекистонда Қува, Наманган, Денов ва Китоб (Варганза) туманлари аъло сифатли анорлари билан машҳур.**

**Унинг ҳар қандай турида соғлиғимиз учун фойдали витамин ва минераллар мавжуд.**

Мутахассисларнинг эътироф этишича, доимий анор истеъмол қилиш юракнинг соат каби мунтазам ишлашини таъминлар экан. Агар кундалик рационга мазкур мева киритилса, кексалик эрта соя солмас экан.

Табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино анор пўстлоғини қон қусишда, милк ва ичакдан қон кетишида, шунингдек, пешоб ҳайдовчи, яра ва жароҳатларга малҳам сифатида ишлатган. Бундан ташқари, анор пўстлоғидан тайёрланган қайнатма ичбуруғга даво эканлигини ва гижжани ҳайдашини баён этган.

Тиббиётда анорнинг илдиз пўстлоғидан тайёрланган экстракт гижжаларни туширишда, мева пўстининг қайнатмаси эса дизентерия касаллигини даволашда фойдаланилади.

Ширин анор еган одамда соғлом қон пайдо бўлади, организмни зарарли моддалардан тозалайди. Ични юмшатиб, пешобни юргизади. Овқатдан кейин ейилса, овқат ҳазмини яхшилайди, аммо ҳаддан зиёд истеъмол қилиш меъдани заифлаштиради. Анорни тўйимли мева деб бўлмайди, 100 грамм анор донасидаги калория миқдори 72 ккалдан иборат.

Анор жигарни тозалаб, танага қувват бағишлайди. Бундан ташқари, кишининг овозини равон ва жарангдор қилади. Вазнни орттиради, ранг-рўйни очади.

Тизза бўғини хасталигига қарши анор табиий ҳимоядир. Унинг таркибидаги К витамини эса суяк тўқималарини бирлаштиришда муҳим аҳамиятга эга модда ҳисобланади. Бу витамин асосан кальций элементидан таркиб топган. Бундан ташқари, анор суви ташқи яллиғланишларнинг битишига ҳам ёрдам бериши мумкин.

**Кўпгина ширин ичимликлар одамда қандли диабет касаллигини келтириб чиқариши мумкин, лекин анор шарбати эмас. Анор шарбати қандли диабетга чалинган беморлар учун истеъмол қилиш фойдали бўлган саноқли ширинликлардан бири.**

Соч тўкилишининг асосий сабабларидан бири – танада темир моддаси етишмаслиги натижасидаги камқонликдир. Бу ҳолат ҳам гемоглобин етишмаслиги туфайли пайдо бўлади. Анорни доимий равишда истеъмол қилиш – бу хавфлардан ҳимоя қилибгина қолмасдан, соч толалари ва тирноқларнинг мустаҳкам бўлишини ҳам кафолатлайди.

Унинг юпқа пардаси қуритилиб, чойга солиб ичилса, асабни тинчлантиради, хавотирлик ҳиссини йўқотади.

Агар сиз гўшт маҳсулотли таомларни истеъмол қилмасангиз ва вегетариан бўлсангиз, албатта, шу мева сизнинг дастурхонингиз устида доимий равишда бўлиши керак. Чунки унда гўшт маҳсулотида мавжуд 15 аминокислоталар бор. Унда яна асосий бўлган С, Р, В6 ва В12 тўрт витаминлари мавжуд. Анор яна йод, калий, кальций, темир ва кремний каби минералларга бой.

Шунингдек, витаминларга бой бу маҳсулотни силла қуриши, камқонлик, юрак ва қон томирлари склерози, бронхиал астма, ангина касалликларида истеъмол қилиш тавсия этилади. Ширин анорнинг шарбати юқумли касалликлар билан хасталанган, жарроҳликни бошдан кечирган, ошқозон ичак касалликлари, бавосил билан оғриган беморлар учун ниҳоятда фойдали. Бироқ, ошқозон пардаси яллиғланган, ошқозон шираси кислоталилиги ошган (гастритга чалинган) беморларга анор шарбатини ичиш ман этилади. Анор шарбатини бошқа шарбатлар сингари истеъмол қилишдан олдин сув билан аралаштириш лозимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сабаби, у ичак деворлари ва тишлар эмалига салбий таъсир кўрсатади.

**Адолат ФАЙЗИЕВА тайёрлади.**

- **Гемоглобин қон таркибини ҳосил қилувчи энг муҳим қон шарчалари бўлиб, кислородни қайта ишлаш вазифасини бажаради. Агар сурункали чанқоқ, бош айланиши ва лоҳасликни сезсангиз, бу гемоглобин миқдори камайиб кетганидан дарак. Бу ҳолатда кунига битта анорни сиқиб, сувини ичинг.**
- **Қуритилган анор пўчоғини кўк чой билан бирга чойнакка солиб, қайноқ сув билан дамланг. Бу чойни кечаси ухлашдан олдин ичсангиз, тиниқиб ухлайсиз.**
- **Анор пўчоғи қайнатилган сув билан оғиз чайқасангиз, тиш оғриғи, милк яллиғланиши ва шамоллашидан халос этади. Чунки унда оғиз бўшлиғидаги бактерия ва вирусларга қарши курашиш хусусияти мавжуд.**
- **Бундан ташқари, бу қайнатмадан иссиқлигида томоғингизни ғарғара қилиб, 2-3 ош қошиқ ичиб юборсангиз, томоқ оғриғи ва нафас йўлидаги шамоллашдан қутуласиз.**
- **Худди шу қайнатмани оч қоринга кунига 3-4 маҳал ичсангиз, ичаклар инфекциядан тозаланади. Ич оғриғи, дисбактериоз ва дизентериядан халос бўласиз.**
- **Анор пўсти юз терисига ҳам фойдалидир. Агар юзингиз ўта ёғли, ҳуснбузарларга тўла ва нотекис бўлса, анор пўстини зайтун ёғига чала қовуриб, бироз совутинг ва илиқ ҳолатда юзингизга суртинг. Ниқобни 5–10 дақиқа ушлагач, илиқ сувда чайинг.**



**Тавсияларга амал қилишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.**

## Анор ҳақида Абу Али ибн Сино шундай дейди:

*Нордон анор ва хусусан, унинг шарбати сафрони ҳайдайди.*

*Пўсти, айниқса, куйдирилгани жароҳатлар учун доридир.*

*Анорнинг уруғи асал билан бирга тиш ва қулоқ оғриғига фойда. Шунингдек, бу малҳамни бурун ичига суртиб, ундаги жароҳат ва яллиғланишдан халос бўлиш мумкин.*

*Анорнинг уруғини янчиб, асал билан қўшиб, оғиз ярасига суртиш ҳам фойдали.*

*Ширин анор кўнгилни очади.*

*Нордон-чучук анор меъда яллиғланишига фойда қилади.*

*Иситмалаган киши овқатлангандан кейин анор шарбатини ичиши лозим. Нордон анор ширин анорга қараганда пешобни кўпроқ юриштиради, умуман, иккаласи ҳам пешоб ҳайдовчидир.*

# 1 ДЕКАБРЯ – ВСЕМИРНЫЙ ДЕНЬ БОРЬБЫ СО СПИДОМ



## Откуда взялась болезнь

Существует два штамма ВИЧ: ВИЧ-1, происходящий от шимпанзе, и ВИЧ-2, носитель которого – маленькая африканская обезьянка. В их рамках есть несколько суб-штаммов. Самая опасная разновидность – ВИЧ-1. Именно он, по мнению большинства ученых, вероятно, вследствие пристрастия некоторых племен к мясу шимпанзе, незадолго до 1931 года начал свой путь в мир людей.



## Первые случаи

Самый ранний подтвержденный случай СПИДа у человека был обнаружен в Киншасе, столице Демократической Республики Конго. Вирус был обнаружен в сохранившихся образцах тканей в 1959 году. Болезнь перенеслась через Атлантику спустя десять лет: первый известный американец из Миссури, подросток по имени Роберт Рейфорд, умер от СПИДа в 1969 году. К 1977 году СПИД начал уносить человеческие жизни в Европе. Первой известной жертвой был норвежский моряк Арвид Ной.

## «Нулевой пациент»

Франко-канадского стюарда Гаэтана Дугаса часто называют «нулевым пациентом» СПИДа в Америке. Это спорная точка зрения, так как Дугас, конечно, не был первым человеком в США или даже Северной Америке, который заразился СПИДом. Однако, возможно, распущенность Дугаса стала причиной широкого распространения болезни. Многие ранние случаи заражения, диагностированные в США, определенно были связаны с этим стюардом. Его профессия позволяла легко перемещаться между крупными городами, а привычка посещать злачные места способствовала контактам с сотнями других людей, что в результате привело к резкому распространению болезни в 1980-х. Гаэтан Дугас умер в 1984 году от почечной недостаточности, вызванной инфекцией.



## Маскировка вируса

ВИЧ и СПИД являются страшным заболеванием, благодаря своей способности обходить иммунную систему и затем уничтожать ее. Когда вирус попадает в организм, он «замаскирован» углеводными молекулами сахара, которые цепляются к его поверхности и «обманывают» организм: вирус воспринимается как питательное вещество. Тем не менее, исследования показывают, что мы в состоянии использовать эту особенность против ВИЧ. Молекулы сахара, которые он использует, отличаются от тех, которые обычно находятся в организме человека, настолько, что возможно синтезировать вакцину, чтобы помочь организму выявлять вирусы и заставить иммунную систему атаковать их.

## Иммунитет

Вполне вероятно, что никто не является по-настоящему защищенным от ВИЧ и СПИДа, однако есть люди, обладающие сильным иммунитетом против болезни. Ученые обнаружили, по крайней мере, два различных способа адаптации. При одной из них инфекция отталкивается сразу, а при другой ВИЧ не способен развиться в СПИД. Первая является генетической мутацией, в основном народов Скандинавии. Она называется CCR5-дельта 32 и не допускает проникновения вируса в клетки. Ученые считают, что эта мутация может иметь исторические корни в Европе, подвергавшейся натиску смертельных болезней.

Есть несколько случаев (около 1 к 300), когда иммунная система побеждает заболевание. Такие люди называются «ВИЧ-контроллерами», они, судя по всему, обладают несколькими белками в крови, которые отличаются от большинства, и это держит вирус в узде. Ведутся исследования того, как эта разница в геноме может остановить прогрессирование ВИЧ у тех людей, кому не так повезло.

## Поиск лекарства

В последнее время появляются сообщения о том, что скоро будет создано лекарство от СПИДа. СМИ рассказывают о новых захватывающих исследованиях и чудесных рассказах выживших. Особенную надежду вселяет история Тимоти Брауна, прожившего с ВИЧ больше десяти лет. Когда ему был поставлен диагноз лейкемия, врачи сделали пересадку костного мозга, полностью заменив донорским, с мутацией, позволяющей бороться со СПИДом. Сегодня Браун не является ВИЧ-положительным. Никакой угрозы здоровью не осталось. К сожалению, процесс замены костного мозга крайне рискован сам по себе – остается 40% риска смерти. Нужно провести еще много исследований, прежде чем этот способ будет считаться действенным.

Все же есть вселяющие надежду новости. К примеру, в Миссисипи малыш, родившийся от матери с ВИЧ, вскоре после рождения был вылечен после интенсивной терапии антиретровирусными препаратами. Ребенку в настоящее время около трех лет, и у него нет признаков инфекции.

Конечно, эти случаи – редкость, и врачи предостерегают от напрасных надежд. Однако раннее выявление болезни по-прежнему является ключевым фактором для долгой жизни после заражения ВИЧ. Остается надежда, что человечество все же найдет лекарство от СПИДа.

ЗДОРОВЬЕ

# Упражнения для профилактики шейного остеохондроза

Мы часто надолго замираем в неудобной позе: перед компьютером, склонившись над планшетами и телефонами или даже просто бездумно уставившись в одну точку. А потом жалуемся на головную боль и усталость, на то, что ухудшается память и сложно быстро сообразить, как действовать в той или иной ситуации. Казалось бы, это вещи мало связанные. На самом деле во всем виновато плохое кровоснабжение мышц шейного отдела. От их хорошего функционирования напрямую зависит кровоснабжение мозга. Следовательно, наша память и концентрация.

Эти простые упражнения не только помогут расслабиться и заставить мышцы шеи действовать как нужно, но и еще послужат прекрасной профилактикой шейного остеохондроза. Только помните: все нужно делать плавно, без резких движений, особенно повороты головы из стороны в сторону. Иначе может случиться спазм мышц.

**Наклон вперед**

Сидя, положите одну ладонь на лоб и наклоняйте голову вперед, одновременно оказывая сопротивление ладонью. Один наклон – до 10 секунд. После небольшого отдыха повторите упражнение 10 раз.

**Наклон в сторону**

Сидя, положите одну ладонь на голову в области виска. Наклоняйте голову в сторону, одновременно надавливая на нее ладонью, оказывая сопротивление. Продолжать в течение 10 секунд. Отдохните. Повторите 10 раз.

**Повороты в сторону**

Сидя на стуле или стоя, опустите руки вдоль туловища. Плавно поверните голову в крайнее правое положение, затем в крайнее левое. Повторите 5–10 раз.

**Поднять плечи**

Сидя или стоя, руки опущены вдоль туловища, максимально поднимите плечи и удерживайте их в таком положении 10 секунд. Далее опустите, сделайте глубокий вдох, расслабьтесь на 10–15 секунд. Повторите 5–10 раз.

**Наклон к груди**

Сидя или стоя, руки опущены вдоль туловища. Плавно опустите голову вниз, стараясь по возможности прижать подбородок к груди. При хорошей подвижности шейных позвонков можно подбородком ощутить грудную выемку. Повторите 5–10 раз.



**Подготовлено по материалам интернета.**

ВНИМАНИЕ: ПИРОТЕХНИКА!

# ЧТОБЫ ПРАЗДНИК НЕ СТАЛ ТРАГЕДИЕЙ



**Не за горами Новый год – один из самых любимых праздников, вызывающих ассоциации с первым снегом, укрывшим город, красавицей-елкой, любовно украшенной игрушками и гирляндами, щедрым столом, уставленным вкуснятиной, и особой атмосферой ожидания чуда, которое обязательно сбудется. Все это живет в наших сердцах с самого детства, и, несмотря на то, что ты уже взрослый, еще волнует душу.**

Многие начнут отмечать наступление Нового года шумно и весело, а кое-кто захочет сильных ощущений и ярких эмоций, и тогда, словно ниоткуда, появляется всевозможная пиротехника – петарды, салюты, хлопушки и бенгальские огни… Красиво, искрометно, громко, разноцветно и, вообще, – потрясающе! Но чем зачастую заканчиваются эти игры с пиротехникой? Увы, веселье не всегда оставляет после себя хорошие и приятные воспоминания.

В недалеком прошлом в арсенале новогодних забав были лишь бенгальские огни да традиционные хлопушки, с разноцветными конфетти. Сегодня им на смену пришли далеко небезобидные и небезопасные пиротехнические изделия. Самые распространенные травмы, которые любители повеселиться получают в результате поражения пиротехническими изделиями, – ожоги глаз, лица, верхних и нижних конечностей. Поражающее действие пиротехнического заряда комбинированное – взрывная травма, термическое поражение и воздействие угарного газа. Бывают случаи, когда из-за взрыва петарды люди даже лишаются глаз, а у тех, кто имеет заболевания сердечно-сосудистой или нервной систем, все заканчивается самым плачевным образом. Мы уже не говорим о возможных возгораниях, пожарах и выделяемых вредных веществах.

Ежегодно в новогоднюю ночь все экстренные службы работают в усиленном режиме. Для того чтобы минимизировать угрозу для жизни и здоровья населения, сотрудники органов внутренних дел и других заинтересованных структур ведут целенаправленную работу по выявлению и изъятию пиротехнических изделий задолго до праздников. В этих целях проводятся совместные рейды, выявляются случаи использования и продажи пиротехники. К нарушителям применяются соответствующие меры, а контрафактная продукция изымается. Для информирования населения об опасности использования пиротехнических изделий проводятся встречи с жителями махаллей, учащимися образовательных учреждений, работниками организаций и предприятий.

В связи с этим, напоминаем, что в соответствии со ст. $250^1$ УК Республики Узбекистан установлена уголовная ответственность за незаконные производство, изготовление, хранение, перевозку, пересылку, использование, а также незаконный ввоз и вывоз из нашей страны или сбыт пиротехнических изделий. Это следует учитывать тем, кто решил подзаработать в праздники на продаже контрафактной пиротехнической продукции, в большинстве своем низкокачественной, произведенной практически кустарным способом, а потому не имеющей сертификатов безопасности.

Новый год на пороге. Дети и взрослые ждут чудесный праздник с нетерпением. Так давайте же сделаем так, чтобы ничто не омрачило веселье, а счастье и удача не покидали нас никогда!

**Георгий ПЕТРОСЯН, корреспондент «На посту». Рисунок автора.**




# ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ
## (с 7 по 13 декабря)



**Овен.** В понедельник и вторник придется заниматься рутинными делами. Вы можете почувствовать усталость. В середине недели старайтесь не переутомляться, не стоит прыгать выше головы. Воскресный отдых в кругу семьи или друзей поможет восстановить силы и избавиться от плохого настроения.



**Телец.** В первые дни периода появится отличная возможность поправить финансовые дела, добиться успехов в карьере и найти вторую половинку. Вы сможет разрешить давние проблемы, настроиться на понимание домочадцев. Ближе к концу недели следует проявлять сдержанность. В воскресенье можно расслабиться в домашней обстановке.



**Близнецы.** В первые дни рекомендуется осторожнее высказывать критику и недовольство – словесные перепалки и взаимные упреки лишь усугубят ситуацию. Середина недели настроит на общение с друзьями и позитив. В пятницу ждут рабочие будни, а в выходные – спокойная обстановка и душевное равновесие.



**Рак.** Неделя ожидается удачной и продуктивной. Предстоит переделать массу дел и добиться успеха на профессиональном поприще. Однако в своих желаниях не следует идти напролом, лучше искать компромисс. Выходные принесут приятные сюрпризы.



**Лев.** Можно ожидать отличных новостей в финансовой сфере, получить возможность дополнительного заработка и продемонстрировать все свои достоинства. К концу недели возможны разногласия с родственниками, вероятны обиды. Но выходные все уладят, так как обещают хороший отдых.



**Дева.** Начало зимы подарит возможность улучшить свою жизнь, если вы предпримете кардинальные шаги к изменениям. В пятницу потребуется большая сила воли – предстоит завершить массу дел, возможно, придется работать сверхурочно. В воскресенье высок риск возникновения конфликтов в семье.



**Весы.** Откроются перспективы в финансовой сфере – новая высокооплачиваемая работа или источник дополнительного дохода. Середина периода подарит небывалый подъем и вдохновение. Бизнесменам рекомендуется проводить важные переговоры и заключать крупные контракты. Выходные желательно провести в кругу семьи.



**Скорпион.** Удастся завершить много важных дел и подготовиться к новым свершениям благодаря повышенной энергичности и силе воли. Начало недели будет благоволить бизнесменам, а также тем, кто ищет единомышленников и новых деловых партнеров. В середине – организуйте отдых для семьи. В выходные будете много знакомиться и общаться.



**Стрелец.** Рекомендуется перепроверять сделанную в начале недели работу не единожды, чтобы избежать ошибок. Среда и четверг обещают приятное общение с друзьями и приятелями. Во второй половине периода возможно снижение работоспособности. Воскресенье грозит ссорами с соседями – не стоит провоцировать людей.



**Козерог.** В понедельник вероятны командировки и деловые встречи. В середине недели избегайте конфликтов на работе, посторонних споров и ссор. Выходные порадуют отдыхом и развлечениями в дружеской компании. Семейным людям желательно устроить отдых для всех домочадцев.



**Водолей.** В начале недели почувствуете упадок сил, снизится мотивация для достижения поставленной цели, даже на работе будете искать минутки для отдыха. А вот среда и четверг успешны для деловых переговоров и поездок. Конец периода проведите с самыми близкими людьми.



**Рыбы.** В понедельник и вторник приготовьтесь к трудностям в профессиональной сфере, возможны денежные потери. Середина недели обещает приятные поездки по делам, возможен успех в переговорах. В субботу вас ждет приятная дружеская компания, но не переборщите, чтобы в воскресенье не поссориться с близкими людьми.

БУ – ҚИЗИҚ

# НАСРИДДИН АФАНДИ ҲАЁТДА БЎЛГАНМИ?



Албатта, бўлган. Йўқса, турли халқлар орасида у ҳақда минглаб латифалар тўқилармиди. Исмига қараб у ё араб, ё турк бўлган деб ўйлайсиз. Лекин Хўжа Насриддин ҳақидаги ҳангомалар сони бўйича ўзбеклар биринчи ўринда турса керак.

Азбаройи қизиқиб, интернетдан Афанди ҳақида маълумот излаб кўрганимда, у билан боғлиқ латифалар ўттизга яқин миллат орасида тарқалганига дуч келдим. Улар ичида туркий халқлар ва кавказликлар кўпчиликни ташкил қилар экан. Лекин болгарлар, юнонлар, руминлар халқ оғзаки ижодида ҳам у ҳақида латифалар учрашига қойил қолдим.

Туркияда унинг қабри бор, дейишади. Баъзи бир маълумотларга қараганда бу рамзий қабр экан. Бухоро шаҳрида Лаби Ҳовузнинг шундоқ ёнида унга ҳайкал ўрнатилганини ҳар бир фуқаромиз ёки хорижлик меҳмон билса керак. Унда хўжа Насриддин ўзининг доимий ҳамроҳи бўлган эшаги устида кулимсираб тургани акс этган.

Энди ҳаётда айнан Хўжа Насриддин ёки Насриддин Афанди исмли шахс бўлган ёки бўлмаганлиги масаласига келсак. Бундоқ ўйлаб қарасак, бу шунчалик муҳимми? Энг муҳими, халқимиз у ҳақидаги латифаларда ўзбекка хос топқирликни, беозор қувликни, хушчақчақликни, гоҳида соддаю беозорликни мужассам эттирган.

Унинг золим подшоларни, порахўр қозиларни мот қилгани, чигал вазиятлардан устомонлик билан чиқиб кетгани ҳақидаги кўплаб латифаларни биламиз. Лекин бошини қотирган болаларни «Боринглар, фалон жойда текинга хўрозқанд тарқатишяпти» деб алдаган, кейин «Ростдан ҳам беришяпти, шекилли» деб уларнинг ортидан югурган ҳам ўзимизнинг Афанди бобомиз-да. Ёки мана бу латифаларга диққат қилинг.



*Хўжа Насриддиннинг ёнида ҳам, уйида ҳам бирор чақаси йўқ экан. Бунинг устига қорни оч. «Нима бўлса бўлди», деб бозор ёнидаги чойхонага кирибди. Тўйиб овқатланиб, чиқиб кетаётган экан, чойхоначи йўлини тўсиб, пул талаб қилибди.*

*Афанди ёнида ҳемириси ҳам йўқлагини айтибди. Шунда чойхоначи унинг чаккасига шапалоқ тортиб, камига кетига бир тепибди. Хўжа Насриддин кўчага чиққач, изига қайтиб, чойхоначидан «Ака, эртага ҳам келиб овқатлансам, шу тарзда ҳисоб-китоб қилсак майлими?» деб сўрабди.*

* * *

*Афанди туш пайти икки кило гўшт олиб келиб, хотинига «Кечки овқатга манти қил», деб тайинлаб, яна ишига кетибди. Хотини шундан сўнг қўшни жувонларни чақириб, гўштнинг ҳаммасини қозонга солиб, димлама қилиб ейишибди.*

*Кечки пайт Хўжа Насриддин ишдан роса оч қолиб келибди. Хотинига:*

*– Овқатингни суз, – дебди.*

*Қараса, хотини бир лаган нонпалов олиб келиб:*

*– Дадаси, гўштни ошхонага қўювдим, мушугимиз еб кетибди, – дебди.*

*Шу пайт мушук кириб келибди. Афанди уни кўтариб оғирлигини чамалаб кўрса, икки кило ё келар ё келмасмиш. Шунда Хўжа Насриддин:*

*– Хотин, – дебди кесатиб. – Агар бу мушук бўлса, гўшт қани? Агар бу гўшт бўлса, мушук қани?*

Нафсиламрини айтганда, аксар халқларнинг ўз «Афанди»си бўлган. Қозоқларнинг Алдар Кўсаси, қорақалпоқларнинг Умирбек Лаққиси, қрим татарларнинг Ахмет-Акайи, тожикларнинг Мушфиқийси, Арабларнинг Жохаси, арманларнинг Пил-Пугиси, уйғурларнинг Салай Чаққонию Мулла Зайниддини, туркманларнинг Каминаси Хўжа Насриддиннинг оға-инилари десак янглишмаймиз.

Халқимиз табиатан зукко, кулгусевар. Латифалар унинг закоси маҳсули. Миллатимиз орасидан қанчалаб ҳангома усталари, топқир, ҳозиржавоб инсонлар етишиб чиққан. XIX асрда Исахон аския, Абдулла Фонусчи каби машҳур қизиқчилар яшаб ўтган. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов «Кулинг, умрингиз узоқ бўлади», деган. Ғафур Ғулом қўшилган давраларда гур-гур кулгу кўтарилган.

*Бир куни Муҳиддин Дарвешов келаётса, чорраҳада тумонот одам тўпланиб турган экан. ЙПХ ходими ҳар қанча уринса ҳам, уларни тарқата олмаётган эмиш. Муҳиддин акага кўзи тушиб, дарҳол унинг ёнига югуриб келиб:*

*– Уста, бир йўлини қилиб, оломонни тарқатинг, машина уриб кетган итнинг ўлигини олиб кетайлик, – дебди.*

*Муҳиддин қизиқ одамларнинг ўртасига ўтиб, бошига қийшиқ қўндирилган дўпписини тўғрилаб, қўлини қовуштириб:*

*– Аҳли жамоа, б965родарлар, марҳумнинг яқинлари қолсин, бошқалар тарқалсин, – деган экан бир зумда одамлар тарқаб кетибди. Топқирликни қаранг.*



Қиссадан ҳисса шуки, ўзбек халқи бор экан, ўзлигини сақлаб қолар экан, орамизда янгидан-янги Афандилар туғилаверади, яшайверади. Хўжа Насриддин тўғрисида бир-биридан қизиқ замонавий латифаларнинг тўқилаётгани ҳам сўзимизнинг исботидир.

**Бобомурод ТОШЕВ.**




## РАССОМ ХАНДАСИ




Рассом: Ҳусан СОДИҚОВ.

Postda
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosari –
mayor Azizjon FAYZIYEV
katta leytenant Aziza BOHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Jahongir SHAROFBOYEV
Erkin SATTOROV

Navbatchilar –
Sherzod ABDUSAMADOV
Dinara SHAMUXAMEDOVA

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo'yicha:
71-231-38-74;
95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001.
Bank kodi 00420.
ATIB «Ipotekabank»ning Mirobod filiali.
STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4439.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 53 664 nusxada chop etildi.
Obuna raqamlari:
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.